

O'z kuch-g'ayratingiz,
bilim va
qobiliyatingizga, buyuk
Vatanimiz qudratiga
suyanib, marrani
baland oling, aziz
bolalarim!

Islom KARIMOV



"БИРИНЧИ ҚҰНФИРОҚ" ЖАРАНГИ

Ўқувчиларни янги билим чўққилари сари чорлади

Assalom, maktab!



SOVG'A

Beshta emas, besh yuz emas, besh yuz mingmiz,
Biz hammamiz yetti yoshda, teppa-tengmiz.

Besh yuz mingta sovg'a bugun yurtni kezar,
Har bir bola Yurtboshimiz mehrin sezar.

Dono xalqning dono qizu o'g'lonimiz,
Ne istasak, bordir hamma imkonimiz.

Ulg'ayib, el ishonchini oqlagaymiz,
Yurtimizni erkin, obod saqlagaymiz.

Anvar OBIDJON



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президентини Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан 2012 йил 6-7 сентябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистонда бўлади.

Учрашув ва музокаралар чоғида икки давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қиладилар, минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Ташриф якунлари бўйича Қўшма баёнотни қабул қилиш, Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида турли соҳалардаги муносабатларни янада ривожлантиришга қаратилган бошқа икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

Ёзги таътилда мароқли ва мазмунли дам олиб, мактаб қучоғига қайтган болалар янги ўқув йилини кўтаринки кайфият, ғайрат-шижоат билан кутиб олишди. Қувончдан порлаган нигоҳлардаги илмга ташналикни кўриб, эртанги кундан кўнгли тўлади.

Унутилмас воқеликка айланган "Билимлар кuni" байрами "Президент совғалари"ни топириш тадбири ва "Мустақиллик дарси"га уланиб кетди.

2012-2013 ўқув йили арафасида янги уй-жой массивларида 14та мактаб қад ростлади. 187та умумтаълим муассасаси реконструкция қилинган бўлса, 162таси капитал таъмирланди. Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги хорижий тилларга ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби ҳам ушбу ғамхўрлик натижасига замонавий бинога эга бўлди. Шу боис мактабда "Билимлар кuni" қўшалоқ айём сифатида нишонланди.



— Ўғлим Аҳмаджон Қосимов халқимиз осойишталигини асраб-авайлашга, жонажон ватанимиз тинчлиги учун, мамлакатимиз Президентини учун қўқсимни қалқон қилишга тайёрман, дея тантанали қасамд қилиб, чин йигитлик сўзини бераётганда, очиги, кўзимда ёш ҳалқаланди, — дейди Жалолқудук туманидаги 47-умумтаълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси Зулхумор Абдуллаева. — Фарзандим ўз мутахассислиги бўйича чуқур билим олиб, хизмат ва кас-

садим — бутун куч ва имкониятимни ишга солиб, ватанимга, халқимга сидқидилдан хизмат қилиш.

Қуролли Кучлар Давлат музейи қаршисидаги муҳташам монумент — «Ватанга қасамд» ҳайкали олдида Тошкент ахборот технологиялари университети махсус факультети курсантларининг ҳарбий қасамд қабул қилиш тadbири бўлиб ўтди. Олий таълим муассасасининг 2-курсини тугатиб, 3-

Qutlug' ostona

тихоримиз ҳам икки ҳиссадир. Таъкидлаш жоизки, ҳарбий қасамдининг ҳар бир сўзи дилимизга жо бўлди ва бу бизни — бўлажак офицерларни шу юрт, шу замин учун муносиб фарзанд бўлишга, келажакда ҳарбий билим ва қўқимларни мукамал эгаллаб, профессионал армиямизнинг таянчига айланишга, мустақил Ватанга содиқ хизмат қилишга ҳамиша ундаб туради. Шунинг дидил айта оламани, юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлиги ишончли қўларда.

Юқори малакали офицер кадрларни тайёрлашда муносиб ўрнига эга мазкур факультетда ҳарбий махсус фанлар, тактик, тактик-махсус, ҳарбий алоқа техника воситалари бўйича пухта билим эгаллаш учун барча имкониятлар мавжуд. Йиғилишда сўзга чиққан ота-оналар ҳам фарзандларининг жисмонан чиниқиши, касб сирларини мукамал ўзлаштириши учун яратилган шарт-шароитларни кўриб, беҳад қувонганликларини таъкидлашди.

— Не бахтки, фарзандим Ислон Шоимкулов юрт тинчлигини муҳофаза қилишга бел боғлаган ўғлонлар билан бир қаторда турибди, — дейди сурхондарёлик Холмўмин Шоимкулов. — Болалигидан аниқ фанларга бўлган қизиқиши ва спорт билан мунтазам шуғулланиши уни мана шу муқаддас сафларга етаклади. Физика ва математикадан сабоқ берган устози Бобуржон Сагизов ҳам шогирди мустақил диёримизнинг Қуролли Кучларига қабул қилинганидан мамнун.

Аброр УМАРКУЛОВ,
Санобар ЖУМАНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

Б.РИЗОКУЛОВ, В.ГРАНКИН
олган суратлар.

«ХАЛҚИМИЗ ОСОЙИШТАЛИГИНИ АСРАБ-АВАЙЛАЙМИЗ»

«Ҳарбий қасамд бу — шунчаки расмий тadbир эмас, балки йигитлик шаъни, ору номусини ўртага қўйиб, ўз зиммасидаги масъулиятли ва шарафли бурчни адо этишга бел боғлаб, аҳду паймон қилиш маросимидир», деган эди Президентимиз. Куни-кеча юртимиздаги барча ҳарбий билим юртлари сингари Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам биринчи босқичга қабул қилинган курсантларнинг қасамд маросими бўлиб ўтди.



Мактабнинг профессор-ўқитувчилари ва бошлиқлар таркиби ҳамда курсантлар минбарга қараган ҳолда сафланиб туришибди. Нигоҳлар байроққа қадалган. Йигитларни қўшалок байрам билан қўлашга ота-оналар, жамоатчилик вакиллари ҳозир бўлишган.

Маросимда сўзга чиққан профессор-ўқитувчилар, ота-оналар, курсантлар мамлакатимизда инсон қадри юксакларга кўтарилаётгани, Президентимиз томонидан ёшлар таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилиб, улар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинаётгани тўғрисида гапирдилар.

Шундан сўнг биринчи босқич курсантлари бирмабир қасамд қабул қилишди. Бу азамат йигитлар ўт ўчирувчилик касбини танлаган илк кунларидаёқ, соҳанинг машаққатларини кўз олдига келтирганликлари, Ватанимга, халқига садоқат билан хизмат қилишга ўзларини тайёрлаганликлари юз-кўзидан, овозидаги шиддатдан сезилиб турарди.

Тантананда сўз олганлар курсантларни қўшалок байрам билан табриклади. Шунингдек, ўқиш ва жамоат ишларида ўрнатилган бир гуруҳ курсантларга Ички ишлар вазирлигининг фахрий ёрлиги топширилди.

би сир-асрорларини сабот билан ўрганиб, Ватан тинчлигини асраб-авайлашдек масъулиятли, айна дамда шарафли хизматини аъло даражада бажариши учун дуоларим билан қувват бўламан, албатта.

— Болалигимдан ўт ўчирувчи бўлишни орзу қилардим, — дейди хоразмлик Элёр Раҳимов. — Боғот туманидаги 22-умумтаълим мактабида ўқиб юрган кезларим шу соҳага меҳрим ортган. Мана, бугун орозимнинг оstonасида турибман. Ҳарбий хизматни аъло даражада ўтаб, тавсияномага эга бўлиб, мазкур мактабнинг курсантига айландим. Мак-

курсга ўтиш асносида ҳарбий қасамд қабул қилаётган курсантлар оркестр садалари остида шахдам қадамлар билан кириб келишди. Қуролли Кучларимиз сафига қабул қилинаётган курсантларнинг қувончига шेरлик бўлиш учун ташриф буюрган иштирокчилар қалбиди гуруҳ нигоҳларида акс этиб турарди.

— Мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами билан ҳарбий қасамд маросими қўшалок тарзда тантана қилинаётгани замирида ҳам ўзгача маъно мужассам, — дейди тadbирда сўзга чиққан курсант Жонибек Жовлиев. — Бугунги қувонч ва иф-

ЯНГИ МАДАНИЙ-МАЪРИФИЙ МАРКАЗ

Тошкент шаҳридаги Бешёғоч кўчасида «City Makop» маданий-маърифий кўнгилочар маркази очилди. Шу муносабат билан ўтказилган тadbирда ижодий ва жамоат ташкилотлари, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.



Тadbирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси вазирлик кенгаши раиси Г.Каримова мамлакатимизда ёшларнинг пухта билим олиши, маънавияти ва дунёқарашини бойитиши, бўш вақтини мазмунли ўтказишга қаратилган ишлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади. Мазкур марказ ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ўқув-маърифий марказ, спорт майдончаси, замонавий 3D форматдаги кинозал, савдо ва овқатланиш шохобчалари, болалар майдончасидан иборат ушбу масканда ўғил-қизлар ўз бўш вақтини унумли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Жумладан, ўқув-маърифий марказида турли бадиий, фотокўргазмалар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, очик дарслар ўтказилади, бадиий ижодиёт тўғрисида олиб борилади. Замонавий виртуал технологиялар ёрдамида ўқувчилар ўлкашунослик, география, маданият ва санъатга оид билимларини янада мустаҳкамлаши мумкин.

— Болаларнинг ўқишга қизиқишининг ортишида мактабдан ташқари таълим муассасаларининг

2012-yil — Mustahkam oila yili



аҳамияти бекиёс, — дейди «Yangi avlod forumi» болалар ижодиёти маркази директори Мақсуд Раҳматуллаева. — Ушбу марказда яратилган шароит ўқувчи-ёшларнинг истеъдодини намоён этиш, билимини янада мустаҳкамлаш ва бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Ёлқин ШАМСИДИНОВ (ЎЗА) олган сурат.



(Давоми. Боши 1-бетда.)

Янги ўқув биносининг очилиш маросимида Халқ таълими вазири Т.Ширинов иштирок этиб, йиғилганларни мустақиллигимизнинг 21 йиллик байрами ҳамда «Билимлар куни» билан му-боракбод этди.

— Бу йил 1-синфга 60 нафар, 2-синфга 90 нафар ўқувчи қабул қилдик, — дейди мактаб директори Барно Раҳимова. — Юртимизда ёш авлодга кўрсатилаётган эътибор натижасида шундай замонавий ўқув биносига эга бўлдик. Фарзандларининг сифатли таълим-тарбия олиши учун яратилган тўқис шарт-шароитлардан ота-оналар ҳам мамнун.

— Набирам Аҳмаджон Туропов мактабнинг 1-синфга қабул қилинди, — дейди Асомиддин Латипов. — Янги билим даргоҳини кўриб, бу-ғунги ёшларга ҳавасим келаяпти. Мустақиллик фарзандлари учун барча им-кониятлар яратилган.

Шайхонтохур туманидаги 299-мактабда ҳам «Билимлар куни» кўтаринки руҳда нишонланди. Таълим даргоҳи янги ўқув йили олди-дан қанчалик таъмирланиб, ўзгача қиёфа касб этди.

— Муассасамизнинг замонавий кўринишга эга бўлиши учун 500 миллион сўм маблағ сарфланди, —

«БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ» ЖАРАНГИ

Ўқувчиларни янги билим чўққилари сари чорлагу

дейди мактаб директори-нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Гулмира Қорабоева. — Синфхоналар зарур ўқув жиҳозлари, замонавий тех-ник ускуналар билан таъ-минланди. Бу — таълим си-фатига ижобий таъсир кўрсатади албатта. Шундай чиройли иморатнинг ҳудуд кўркига кўрк қўшаётганидан маҳалла аҳли ҳам мамнун.

Юнусобод туманидаги 302-умумтаълим мактабда ўтказилган «Билимлар куни» тадбири, «Мустақиллик дар-си» ўғил-қизларда Ватан туйғусини кучайтириб, ис-тиқлол имкониятлари ҳақидаги тасавурларини янада бойитди.

— Ўқувчиларни кичик гу-руҳларга бўлиб, юртимиз тарихи ва мустақиллик йил-ларида эришилган ютуқлар ҳақида савол-жавоблар ўтказдик, — дейди бошлан-ғич синф ўқитувчиси Сан-нат Нурматова. — Воқеалар моҳиятини тўғри мушоҳада қилиш қобилиятини ривож-лантириш мақсадида ви-



деофильмлар ҳам намойиш этдик.

Самарқанд вилоятида— 1213та умумтаълим мак-табнинг 1-синфга қабул қилинган 55 минг 834 на-фар ўқувчига «Президент совғалари» топширилди.

— Совғалар жамланмаси-дан 12 номдаги ўқув қурол-лари ва портфель ҳам ўрин олган, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси иқти-содчиси Мадина Темирова. — 75 минг 755 нафар кам таъминланган оила фар-зандларига 15 сентябрдан бошлаб иссиқ уст-бош,

пойабзал ва қўлқоплар та-рқатилиши мўлжалланган.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳридаги 43-умум-таълим мактабда «Бирин-чи қўнғироқ» садолари ўқувчиларнинг шодон қий-қириқларига ҳамоҳанг ян-гради. Айниқса, «Президент совғаси»ни олган ўғил-қиз-ларнинг қувончи чексиз эди.

Вилоят бўйича жами 53 677 нафар 1-синф ўқу-чиси ана шундай гамхўр-ликдан баҳраманд бўлди.

— Қизим Зайнура бу йил 1-синфга қабул қилин-ди, — деди қаршилик Гул-зор Аралова. — Унга атал-ган «Президент совғаси»-дан бошимиз кўкка етди. Тўпلامда ўқувчи учун зурур барча ўқув қуроллари мав-жуд.

Наманган вилоятида ҳам 39924 нафар кичкинтой Юртбошимизнинг совғала-

— Ўғлимни мактаб осто-насига қадам қўйиши билан қўлгаб, дуо қилдим ва шу-крона айтдим: толеингдан ўргилай, болам!


Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси тасар-руфидоги умумтаълим мак-табларида ҳам «Билимлар куни» катта тантанана айлан-ди.

Урганч шаҳридаги 26-мак-табда ўтилган «Мустақиллик дарслари»да ўқувчиларга Ватан олдидаги бурч, истик-лол неъматлари, хал-қимизнинг буюк бунёдкор-лик ишлари ҳақида атроф-лича маълумот берилди. Мавзу юзасидан ўғил-қиз-ларнинг фикр-мулоҳазалари ҳам тинланди. Улар эркин ва озод Ватанда яшашдан бахтли эканликлари ҳақида фахр билан гапиришди.

Жиззах вилоятидаги 448та мактабда ҳам янги ўқув йилига бағишланган байрам тадбирлари бўлиб ўтди. Синфхоналарда давом этган «Мустақиллик дарслари»да истиклолга қанчалар машақ-қат ва оғир синовлар орқа-ли эришилгани ҳақида ўқу-чиларга кенг тушунчалар бе-рилди. «Мустақиллигимиз абадий бўлсин!» мавзусида инновацион технологиялар-дан фойдаланилган ҳолда ўтилган дарс ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

**Ғолиб БАҲРОМОВ,
Шоира БОЙМУРОВА,
Ҳаким ЖЎРАЕВ,
Ғанишер АКБАРОВ,
Ўктам МЕЙЛИЕВ,
Феруза
ТАНҒРИБЕРГАНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари**

**Б.РИЗОКУЛОВ ва
В.ГРАНКИН
олган суратлар.**



БИРИНЧИ ДАРС ҲАЙРАТИ

Мен университет талабаси-ман! Билимларимни янада бойитиш, ҳаёт қийинчиликларини мардонавор енгиб ўтиш даври бошланди. Ёзинг жазирама кунлари интиқиб кутганим — «Билимлар куни» ҳам етиб кел-ди. Юзида қувонч ва шукрона шукухи нур таратаётган, истик-лол берган имкониятларни ми-соли кўзларига тўғиё айлаётган тенгдошларим — талабалар минг хил орзулар билан олий ўқув юртига илк қадамни қўйи-ди!

Университет ҳовлиси, йўлакчалар... Гул кўтарган ўғил-қизлар, ота-оналар, опа-сингиллар, ака-укалар

билан гавжум. Чинакам ҳайрату ҳаяжон ҳеч бир кўнгилни четлаб ўтмаган. Ҳозир биринчи дарсга қўнғироқ чалинади. Олий ўқув юр-тидаги биринчи дарс!

... Аудиторияда ўтирарканман, беихтиёр ўйга толдим. Ёшликни умрининг баҳорига қиёслашди. Шиддат ва шижоат, интилиш ва изланиш, аниқ мақсад сари дадил қадам ташлаш, бир сўз билан айт-ганда, жўшқинлик томирларимиз-даги қон ила оқиб туради бу давр-да. Мен каби минглаб тенгқурлар-имнинг бахтиёр ёшлик айёми эр-кин ва обод Ватанимизнинг ёруғ кунларига тўғри келганидан боши-миз осмонда.

Мустақиллик берган имконият-лардан фойдаланиб, университет талабасига айланганимдан жуда ҳам хурсандман. Бунда мактаб ва академик лицейда таълим-тарбия берган меҳрибон, билимдон ўқитув-чиларимнинг хизмати бекиёс. Ху-сусан, Тошкент вилояти Паркент ту-манидаги 5-ихтисослаштирилган мактабда ўқитган талабчан муал-лимларим, айниқса, қадрли ўқитув-чим Муқаддас Абдумаликовадан миннатдорман.

Шу йили она тили ва адабиёт фани бўйича фан олимпиадасида муносиб қатнашиб, республика бос-қичида фахрли 2-ўринга сазовор бўлдим. Ушбу муваффақиятим мен

учун катта имконият эшигини очди — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбе-кистон Миллий университети-га ўқишга қабул қилиндим! Ишонаман-ки, «Мустақиллик дарси»ни тингла-ётган атрофимдаги курсдошларим-нинг ҳаёлидан ҳам биринчи бўлиб мактабдаги устозлари, жумладан, ҳарф танитган муаллимлари ўтган. Шундай экан, шогирдларнинг камо-ли устозларимизга ҳам муборак бўлсин! Биз Сиздан ҳамиша қарз-доримиз, азиз Устозлар!

**Лобар АБДУҲАМИДОВА,
Мирзо Улуғбек номидаги
Ўзбекистон Миллий
университети талабаси**



❖ Фаллаорол туманининг Янгиобод қишлоғидаги 80-умумтаълим мактабининг реконструкция қилинган янги биноси ва барпо этилган спорт зали фойдаланишга топширилди.

— Қишлоғимиз мактабининг янгиланиши давлатимиз томонидан фарзандларимизга кўрсатилаётган катта эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди, — дейди тажрибали ўқитувчи Келдиёр Анорбоев. — Янги бинода ўқувчиларнинг пухта билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун зарур барча шарт-шароит яратилган. Замонавий қурилиш материалларидан барпо этилган янги мактаб биноси қишлоғимиз кўрқига кўрк қўшди.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида туманда кенг қўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Жумладан, "Губдин" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 18-умумтаълим мактабининг биноси, Сайфин қишлоғидаги 48-мактабнинг спорт зали қуриб битказилди. Туман марказидаги саноат касб-хунар коллежи биноси капитал таъмирланди. Ўтган ярим йилда 23 километр ички йўللار таъмирдан чиқарилди. Ўндан зиёд савдо ва хизмат кўрсатиш иншоотлари ишга туширилди. Хонимқўрғон, Тутли, Янгийўл қишлоқларида янги сув тармоқлари ўтказилиб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси янада яхшиланди.

❖ Қорақўл тумани Қўлво қишлоғидаги 37-умумтаълим мактаби ўқувчилари учун Мустақиллик байрами шодиёналари яна бир қувончли воқеага уланиб кетди. Улар янги ўқув йилини икки қаватли янги бинода бошлади.

"Шарқ плюс" хусусий қурилиш ташкилоти бунёдкорлари барпо этган 216 ўринли мазкур таълим муассасасида ўғил-қизларнинг пухта билим олиши учун барча зарур шарт-шароит яратилган. Жумладан, тегишли ўқув лабораториялари замонавий жиҳозлар билан таъминланган.

Бухоро вилоятида жорий ўқув йили арафасида капитал реконструкция қилинган ўн уч таълим муассасаси фойдаланишга топширилди.

— Мактабимизнинг уч юз ўринли биноси ва спорт зали янги қиёфа касб этди, — дейди Ғижувон тумани "Қорахон" қишлоқ фуқаролар йиғинидаги 33-умумтаълим мактаби директори Қиём Норов. — Ўқувчи ва ўқитувчилар учун бундай қулай шарт-шароит яратиб берилганидан беҳад миннатдормиз.

❖ Самарқанд шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган «Маданият маркази»нинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма бир йиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилган «Маданият маркази» миллий ва замонавий архитектура уйғунлигида бунёд этилган бўлиб, бу ерда ўқув-семинар ва тренинглар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш, ёшлар ва хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ошириш, аҳолига тиббий-психологик маслаҳатлар бериш учун барча қулайликлар яратилган.

Марказда «Аёллар кенгаши» республика жамоат бирлашмаси, «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми», «Меҳр нури» жамоат жамғармаси, «Келажақ овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлимлари ҳам фаолият олиб бормоқда.

❖ Фарғона вилояти Риштон туманида қутлуг байрам арафасида замонавий лойиҳалар асосида қуриб битказилган Ёшлар маркази фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимизда ёш авлодини соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, илм ва касб-хунар сирларини ўрганиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Риштонлик йигит-қизларга туҳфа этилган янги Ёшлар маркази ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилади.

Ушбу марказда ёшларнинг дам олиши, турли касб-хунар сир-асорларини ўрганиши учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган.

ЎЗА ва махсус мухбирларимиз йўлаган материаллар асосида тайёрланди.

Меҳр-мурувватдан шодмон болалар

Гулистон туманидаги 70-мактаб-интернатда янги ўқув йилининг илк кунини "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида хайрия тадбири ўтказилди.

Тадбирда болажонларга Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши томонидан энг сўнгги русумдаги компютер жамланмаси соғва қилинди. Вилоят кенгаши эса ўқувчиларнинг соғлигини мустаҳкамлашга хизмат қилувчи дори воситалари жамланган «Саломатлик сандиғини» туҳфа этди.

Тарбиячилар ва тарбияланувчилар ўз миннатдорликларини бадий чиқишлари билан изҳор қилдилар.

Бойжигит АБДУЛЛАЕВ,
"Ma'rifat" мухбири

Шундай тадбирлардан бири Бўка шаҳридаги 15-Меҳрибонлик уйида ҳам бўлиб ўтди. Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касба уюшмаси марказий кенгаши ва Тошкент вилояти кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган маданий-маърифий тадбирда болажонларга компютер жамланмаси, бадий китоблар, ўқув анжомлари соғва қилинди. Сўнг Республика ёш томошабинлар театри актёрлари томонидан қизиқарли спектакль намойиш этилди.

— Бугун биз учун катта байрам. Тайёргарликни эрталабдан бошлагандик: ҳовлиларга сув сеппиб, ҳаммаёқни саранжом қилдик, байрамона либосларни кийдик. Қизлар билан «Шукрона» ва «Ажойиб Ватан» рақсларини намойиш этдик, — дейди тарбияланувчи Фотиما Давлатова.

Соҳиба МУЛЛАЕВА,
"Ma'rifat" мухбири

Иқтисодиётни ривожлантириш йўлида

Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг иқтисодиёт факультетида «Иқтисодиётни модернизация қилиш жараёнида таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг асосий йўналишлари» мавзусида республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

Тадбирда Фанлар академияси ва ЎЗМУ профессор-ўқитувчилари, Молия вазирлиги, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтини вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Иқтисодиёт институтини билан ҳамкорликда ташкил этилган конференцияда «Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида таркибий ўзгаришлар стратегияси»,

«Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишда банкларнинг роли», «Жаҳон иқтисодиётининг ривожланишида интеграциялашган корпоратив тузилмаларнинг ўрни» сингари мавзуларда маърузалар тингларди. Баҳс-мунозаралар шўъбаларда давом эттирилди.

А.УМАРҚУЛОВ

Кутубхона ва маҳалла ҳамкорлиги

Ҳамза туманидаги Муқимий, Ўрта Масжид, Қўйлик ота, Бинокор маҳалла фуқаролар йиғини, Халқ демократик партияси ва Ғафур Ғуллом номидаги маданият уйи ҳамкорлигида «Турон» ахборот-кутубхона марказида мустақиллигимизнинг 21 йиллигига бағишлаб «Келажаги буюк ва мустақил Ватан!» мавзусида тадбир ўтказилди.

Тадбирда китоблар кўргазмаси ташкил қилинди. Саҳна кўринишларига бой байрам дастури намойиш этилди.

— Тадбирдан кўзланган мақсад оилалар-

Tadbir

да китобхонликни янада оммалаштириш, аҳолини янги-янги китоблар, ахборот-кутубхоначилик тизимидаги янгилликлар билан таништириш асносида энг улуг, энг азиз айёмни кўтаринки руҳда қутиб олишдан иборат, — дейди марказнинг илмий-услубий бўлим mudiri Насиба Омонкелдиева.

Тадбирда ёшлар Ватан, мустақиллик мавзусида шеърлар айтиб, даврага фойз бағишлаган бўлса, маданият уйи бадий ҳаваскорлик жамоасининг миллий куй-қўшиқлари кўтаринкилик улашди.

Шоҳида МАМАДАЛИЕВА

Суратларда бунёдкорлик одимлари



Тошкент Фотосуратлар уйида фотомусаввир Абдугани Жумаевнинг "Бунёдкорлик эпопеяси" мавзусидаги кўргазмаси ташкил этилди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган кўргазманинг очилишда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, рассомлар, фотоиждоқорлар, санъатшунослар, талаба-ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нуриддинов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолиги-

да мамлакатимизда маданият ва санъатни ривожлантириш, иждоқорларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган эътибор ижод аҳлини янгидан-янги ижодий марралар сари илҳомлантираётганини таъкидлади.

Бу жиҳатлар таниқли фотоиждоқор А.Жумаев фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Истиқлол йилларида унинг ижодий ишлари Хитой, Герма-

ния, Франция, Япония, Жанубий Корея, Бельгия, Ҳиндистон сингари ўндан ортқ мамлакатлардаги халқаро фотокўргазмалар ва биеналеларда намойиш этилди.

— Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари мангуликка дахлдордир, — дейди А.Жумаев. — Бу ўзгаришларни суратларга муҳрлашни, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчанлик ишларини келгуси авлодларга етказишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.


Ватанимиз мустақиллигининг 21 йиллигига бағишланган кўргазмада фоторассомнинг мустақиллик йилларида халқимиз эришган ютуқлар, маънавий меросимизнинг тикланиши, оилалар мустаҳкамлиги, соғлом ва баркамол авлод истиқболга қаратилаётгани доимий меҳр-эътибор, турли соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз қиёфаси акс эттирилган уч юзга яқин фотосурати намойиш этилмоқда.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ВАТАН СИЙЛАР ВАТАНИНИ СЕВГАНЛАРНИ!

**Ватан танланмайди,
Ватан ардоқланади! Ватан
сараланмайди, Ватан
сийланади! Ватаннинг
иссиқ-совуғидан
озорланмайдилар
аксинча унинг сарҳадида
огоҳ туриб, тинчлигини
сақлайдилар, далаю
даштига оро берадилар!
Шундан чўлларида
бахорлар кулади!
Заминида дуру
гавҳарлар унади!**

Taqdirimsan, baxtimsan, erkin va obod Vatan!



Аввало, униб-ўсган остонинг сев, дея аллалар айтади оналар болаларига. Юртни севмоқ имондандур, этиқонинг омон бўлса, қўғон саломат, деган ахд-ла ишар бу Ватаннинг ўғлонлари! Шундан ўзига беклар туғилади бу элда! Шаҳди баланд, лочин кўзли, орияти осмон қадар юксак Ал-помиллар, Барчинойдек зукко, дилбар қизлар улғаяди бу элда!

Илму урфон масканлари фақат таълим бешиги эмас, одоб-ахлоқ бўстониридир. Маърифат чинорининг ўқ илдизла-

зор яратишга ундаб, одатлан-тиргувчи ҳам мактаб!

Қизилқумнинг олис бир бурчида мамлакатимизнинг турли ҳудудларидан келиб, гўзал бир Ватан яратган, ҳар қандай заҳматга елка тутат олгучи инсонлар меҳнати ила яшаб, Учқудук номини олган туман бор. Чўл томонларга йўли тушганлар «Бу жойларда яшашнинг ўзи жасорат» деган иборани, албатта, тилга олишади. Учқудукликлар эса ташаббускорлиги матонатнинг, ёзининг гармсел шамолларию, қишнинг қаҳрли аёзларига

Бир кафт тупроқ

— Байрам арафасида мактабимиз боғидаги шафтолининг илк ҳосилидан баҳраманд бўлдик. Ҳозир дастурхон атрофида ўтирибмиз, — дея хурсандчилик билан жавоб берди кўнгиригимга муассаса раҳбари Насиба Рўзиева. — Янги ўқув йилини хушқайфият, бир олам режалар билан қаршила-ямиз...

Ўзимни қизиқтирган саволларга жавоб олгач, телефон гўшагини қўйдим-у, ўйга толдим: бир кафт тупроқ қанчалар азиз ва муқаддас эканининг ҳаётий сабоғимикин бу? Эҳтимол серунум далавлардан ҳосил йиғувчилар, бозорни айланиб, танлай-танлай мева харид қилувчилар учун бир сават шафтолининг қадри бу қадар баланд эмасдир? Лекин ярми кум, ярми шағал, фақат илди-зи ўнлаб метр чуқурликка ўрлаб кетувчи янтоқларгина ўсадиган Қизилқум чўлларида ниҳол экиб, дарахт кўкартириш, мевасидан тотинишнинг қувончини фақат учқудукликлар ҳис эта олишса керак!

— Мактабимиз 2007-2008 ўқув йили давлат дастури асосида реконструкция қилинганга қадар ташландиқ аҳволда эди, — дея сўзини давом эттирди директор. — Илм масканининг янгича қиёфа касб этиши жамоамиз аҳлини руҳлантириб юборди. Энди атрофни ободонлаштириш, кўламазорлаштириш масаласи кўндаланг турарди. Бу ишни бизнинг шароитда амалга ошириш катта сабр-қаноат, фидойиллик талаб этади. Ерга кетмон урсангиз, шешонангизга сапчийди-да! Аввал майдонларни шағалдан тозалаш, сўнгра тупроқ ётқи-зишга қарор қилдик. Ҳаммамиз турли жойлардан келган эмас-мизми, ким яқинларининг тую маъракасига ёки дам олишга борадими, икки-уч қоп тупроқ билан қайтишни одатга айлантирди. Сафимизга ўқувчилар қўшилди. Ишонасизми, мактаб атрофига кўчат у гул экиб кўкартириш, каттаю кичикнинг бўш вақтида амалга оширадиган завқли машғулотига айланди. Бундай сай-ҳаракатлар, ўз навбатида, болажонларни меҳнатсеварликка, ҳар қандай мушкулотни оқилона тадбир билан бартараф этишга, сабр-тоқат ва собитликка ўргатди. Айни кунда мактаб

боғидаги юз турдан ортиқ гуллар, хилма-хил мева ва манзарали дарахтлар кишининг баҳри дилини очади. Ватан, Ватанини севиб, эъзозлаганларни албатта сийлар экан.

Билим даргоҳида ҳар бир кун ўзига хос номланиб, шу асосда тадбирлар режаси тузилган. Душанба куни ўқувчиларга ҳафтанинг муҳим саналари, мамлакат, вилоят, туман ҳаётига дахлдор янгиликлар хусусида маълумот берилади. Утган ҳафтанинг «Энг тоза, озода ва ораста синф»и, «Энг яхши китобхон»и аниқланиб, фахрий ёрликлар топширилади. Мактабда ҳар бир ўқувчи ва ўқувчи «Сиёсий билим олиш дафтери»га эга. Дарвоқе, муассасада эришилаётган муваффақиятларнинг асосини мактаб аҳли ва ота-оналар ўртасида ўрнатилган самимий ҳамкорлик ташкил этишини алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлидир. Кези келганда муаллим ота-она боланинг таълим-тарбияси борасида ечишга қийналаётган муаммага елкадошилик қилади. Ёнига олиб ота-она тутатган йўл айнан фарзандининг келажаги учун нечоғлик муҳим эканлигини сирдош дўстидек тушунтиради. Баъзида эса устоз ҳурмати, шогирдлик эъзози оила даврасидаги суҳбатларга файз киритади. Мактабнинг меҳнати уйда, яқинларининг муносабати билан даргоҳида бирдек давом эттирилиши кучларни жамлайди. «3» га ўқийдиган бола» деган ибора бу гўшада ишлатилмай қўйилганига анча бўлган. Чунки, ҳеч бир ўқувчи мутлақо истеъдодсиз эмаслигини, аксинча улардаги яширин иқтидорни кашф эта олмаслик ўқитувчидаги тажрибасизликдан далолат беришини жамоа аҳли амалда исботлаб келаётир.

Рақобат кўрсаткичларни оширмоқда

Ўқувчиларнинг билим самардорлиги 2009-2010 ўқув йилида 86 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган 2011-2012 ўқув

Агар Учқудукка йўлингиз тушса, сизни «Энг намунали мактаб» дея «Чўл гули»—25» томон бошлашад. Ўзингиз гувоҳи бўласизки: уларнинг туриш-турмуши Ватанга муҳаббатнинг тимсоли асли, мактабда жанрлар истиқлолга садоқат дарси!

Ойбуви ОЧИЛОВА



ри, бир илдизларки, инжудек булоқлардан нур эмиб турган ва билим шаклида авлодлар йўлини ёритган! Мактаб аталми ошйёнларда муаллим бу ишининг камарбастаси, не бахтки, Истиқлол шарофати-ла унга қўл чўзди элнинг кичик-каттаси. Бугун мактаб иши — энг олий юмуш, шу ердан бошланар келажакка йўл! Улуғвор мақсадлар ибтидоида қомил фарзандларнинг иқболи турур! Миллий истиқлолнинг гоёларини онгу шуурларга сингдирур мактаб, Ватанга муҳаббат не эканини қалбнинг қатқатига индирур мактаб! Шундан мактаб эрур энг азиз гўша, юракда не бўлса англаган ўша!

... Ҳа, биз қайси касб этагини тутмайлик, мактабдаги таълим, муаллимлар ўғити ҳаётий қараш ва тутумларимиз асосини шакллантирганини намоён этаверамиз. Бизни ёниб яшашга ўргатувчи ҳам, йўқдан бор, чўл бағрида чаман-

дош бериб, юртни юрт қилмоқнинг илк сабоғини мактабдан, мураббийларидан олишган. Ана шундай жонқуяр устозларнинг бир гуруҳи 20-умум-таълим мактабида меҳнат қилишади.

Халқ таълими вазирилиги ва вилоят ҳокими томонидан тасдиқланган «Узлуксиз таълим тизимини мазмунан модернизацйаш ва таълим-тарбия самарадорлигини янги сифат даражасига кўтариш бўйича вилоят халқ таълими, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармалари ва олий таълим муассасаларининг ҳамкорлик дастури»га асосан Навоий давлат қончилиқ институти билан ҳамкорликда «Миллий истиқлол гоёсига йўналтирилган таянч мактаб» сифатида фаолият юритаётган маъмур муассаса қатор йиллардан буён мониторинг таҳлилларига кўра туманда биринчи ўринни қўлдан бермай келаётир.

йили яқунларига кўра бу кўрсаткич 89 фоизга етди.

— Мактаб педагогика кенгаши қарори билан бошланғич синф ўқувчилари билимини баҳолаш масаласига ижодий ёндашдик, — дейди Насиба опа. — Дейлик, 3-синф ўқувчиси ДТС талабларига кўра ўқув йилининг охириги чоғида бир дақиқада 65—70та сўз ўқиши кўзда тутилса, биз бу рақамни 70—80тага кўтардик. Тажриба ва таҳлиллар ана шундай йўл тутишни тақозо этапти. Йўқса, барча бошланғич синф ўқувчилари аълочилига айланиб, ўзаро ижобий рақобат муҳити йўқолади. Бу тажриба ўқитувчилар меҳнатига устам ҳақ белгиланишига адолатли ёндашиш учун ҳам асқотапти.

Аҳил жамоа янги ўқув йилини яна бир қатъий режа билан қарши олмақда. Бошланғич синф қизларини юз фоиз бадий гимнастика тўғрақларига жалб этиш мўлжалланапти. Ҳозиргача эришилган муваффақиятлар — 26 нафар ўқувчининг вилоят, республика миқёсидаги мусобақаларда 8та олтин, 14та кумуш, 22та бронза медални қўлга киритгани боис ҳомий ташкилотлар томонидан рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш маъносидан шундай шароитлар яратиб берилди. Мактабда 25та фан, 12та спорт тўғраги дарсдан кейин махсус режа асосида фаолият юритади.

Шу мактабда ўқисам, ишласам деганлар кўп!

... Янги ўқув йили арафасида муассаса раҳбарияти икки муаммага дуч келди: туманининг олис ҳудудларида яшовчилар ҳам фарзандининг шу мактабда ўқишини орзу қилиб, эшик қоқаяпти. Қайнота-қайноналар эса келинининг шу гўшада ишлашини сўраб, муҳожат қилаётир. «Бизда шомгача иш қийнади. Ўқитувчилар бир-биридан ўзай дея излангани-изланган...» дея бундай илтимосларга жавоб топишга уринади директор. Лекин набираларининг келажагини келинида кўраётган нурунийлар: «Муаллималарингиз бутун маҳаллага ибрат. Оилалари тинч, рўзгорлари баракали, болалари тарбияли. Бизникилар ҳам уларга ўхшашин», дейишганида юрак-юрагидан суюниб кетади. Мактаб маҳалланинг маърифат, маданият масканига, ўқитувчилари маънавият элчиларига айланиб, элнинг юрагига йўл топа олаётганидан кўнгилда хотиржамлик ҳиссини туяди. Ахир, ўқитувчи кўпга намуна бўлиб яшайи керак-да! Утган йили ёш муаллималар орасида «Рўзгорингизда қишга қандай ҳозирлик кўрасиз?» мавзусида танлов ўтказилган эди, ўзиям бутун туманга овоза бўлди. Юқори синф қизлари мураббо ва шарбатлар тайёрлаш, помидор ва бодиринларни консервалашнинг ўнлаб усулларини ўрганиб олишди. Бу қабил ишлар доирасини кенгайтириш режалари бор.



МАКТАБ ОСТОНАСИДА

ёхуд илк бор дарс беришга киришган ёш ўқитувчига маслаҳатлар

Янги ўқув йилини ҳар бир муаллим ажиб ҳаяжон билан кутиб олади. Педагогика институтини тамомлаб, мутахассислик дипломинини қўлга олган ёшларнинг кўнгил кечинмалари ҳам бир олам. 2012-2013 ўқув йили ана шундай минггла битирувчи мутахассислар умумтаълим мактабларига ишга қабул қилинди. Қутлуғ остонага энди гина қадам қўйган ёш ўқитувчи ишни нимадан бошлашга, ўқувчилар билан қандай ишлашга қийналади. Шундай вазиятда уларга тўғри йўл кўрсатиш, маслаҳат бериш, ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашиш устоз-мураббийларнинг вазифаси ҳисобланади.

✓ **Ўқитувчи ҳар бир ўқувчи кўнглига йўл топа билиши, иқтидор ва имкониятини ривожлантиришга шароит яратиш бериши лозим.**

✓ **Ёш ўқитувчи доимо эсда тутиши керак: тарбия оддий ва соддалик билан, ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишдан бошланади.**

✓ **Педагог ҳар тонг мактабга отланаётганда ўзига ўзи савол бериши лозим: «Ўқувчилар ҳузурига нима учун бораёпман, бугун уларга қандай янги билимларни ўргатаман?»**

✓ **Унутмаслик лозимки, ҳар бир йигит-қиз таълим-тарбияни асосан уч маскандан ўзлаштиради: Биринчиси — оила, иккинчиси — мактаб, учинчиси — маҳалла.**

✓ **Ўқитувчининг ҳақиқий қалби фақат ўқувчиларигагина намоён бўлади. Унинг ишига ўқувчилар берган баҳо энг қадрлидир. Муаллим ўзини сақловчи эмас, фидо қилувчи бўлсагина, «аёло» баҳога муносиб бўла олади.**

✓ **«Айтдим — ўзлаштирди — текширдим» қабилида ишлаш ҳеч қандай самара бермайди.**

✓ **Ҳар ишда аввал ўқувчига ибрат бўлине!**

Билимлар кунни ёш муаллим учун икки ҳисса ҳаяжонли. У жамоадаги эртанги кунни, истиқболи қандай бўлишини ўйлайди, муаммолар вазиятга тушиб қолишдан қўрқади. Бундай вазиятда тўғри йўл кўрсатилмаса, ёш иштиёрий равишда ва ёки беихтиёр энг осон йўлга ўтиб олади. Димоғдорлик, асабийлик, паст баҳо қўйиш, қундалиқ дафтарга ёзишлар, ота-оналар билан насиҳатомуз суҳбатлар бошланади. Ўқитувчидаги бундай салбий муносабат ўқувчиларга ҳам юқади. Болалар қайсар бўлиб қолади. Ёш мутахассис дарров ўзини ўнглаб олиб, хатти-ҳаракатларига танқидий назар билан қараса-ку, яхши, акс ҳолда... Барча муаммонинг сабаби — ўқувчиларнинг билимсизлиги ва қоқоқлиги, деб ўйлайди. Аслида, ўқитувчи ҳар бир ўқувчи кўнглига йўл топа билиши, иқтидор ва имкониятини ривожлантиришга шароит яратиш бериши лозим; шахс сифатида дунёни, ўзли-

Ustozdan — shogirdga

гини, ҳаётни идрок этишга эҳтиёж уйғотиши даркор; ўзи, синфдошлари, мактаб ва, энг асосийси, Ватан олдида масъулият ҳиссини тарбиялаши керак.

Тарбия нафақат фан, балки санъатдир. Мактабга келган ёш ўқитувчи доимо эсда тутиши керак: тарбия оддий ва соддалик билан, ўқувчини қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишдан бошланади.

Сафимизга янги қўшилган ўқитувчилар дарсга шунчаки иш эмас — муомала, машғулот эмас — санъат, жадвалдаги соатлар эмас — ҳаёт деб қараша, ҳаммаси кўнгилдагидек бўлади. Педагог ҳар тонг мактабга отланаётганда ўзига ўзи савол бериши лозим: «Ўқувчилар ҳузурига нима учун бораёпман, ўз касбимга муносибманми? Шогирдларимни меҳр-шафқатли, билимли, доно, адолатли, муаммолардан оқиллик билан чиқиб кета оладиган, инсонларга ҳасад эмас, ҳавас билан қарайдиган шахс этиб тарбиялашга қодирманми? Ўқитувчи ўқувчига, аввало, инсон, шахс сифатида муносабатда бўлиши зарур. Унутмаслик лозимки, ҳар бир йигит-қиз таълим-тарбияни уч маскандан ўзлаштиради: Биринчиси — оила, иккинчиси — мактаб, учинчиси — маҳалла. Энг муҳими, сўз ва иш бир-

лигига амал қилиш керак. Чунки сўздаги ахлоқийлик ҳақиқат бўлса, амалдаги ахлоқийлик — адолатдир.

Синф бу — 30 қоғли бола ва, шу билан бирга, шунча олам дегани. Ўқувчиларга маънавий ибрат бўлиб, улар билан биргаликда юксалиш энг муҳим жиҳат ҳисобланади. Ҳар бир боланинг китобга, адабиётга ўз қарши бор. Ўқитувчи олдидаги алоҳида вазифа — барчасининг қалбида китобга меҳр уйғота олиш.

Дарсда ўқитувчи эмас, ўқувчи ташаббускор бўлсин. Ўқитиш услуби, билим мезони, мақсади айнан шу билан изоҳланади. Ҳар бир ўқувчининг хоҳиш-истаги, қарашлари билан ҳисоблашиш, ҳурмат қилиш лозим. Энг муҳими — дарсга пухта тайёргарлик кўриш. Қанча кўп ва яхши тайёргарлик кўрилса, ўзига ишонч шунча ортади.

Ўқитувчининг ҳақиқий қалби фақат ўқувчиларигагина намоён бўлади. Унинг ишига ўқувчилар берган баҳо энг қадрлидир. Муаллим ўзини сақловчи эмас, фидо қилувчи бўлсагина, «аёло» баҳога муносиб бўла олади. Фидокорлик қуруқ услуб билан эмас, тоза қалб, соф виждон билан ўқитувчига шараф келтиради. Ёш мутахассис бошданок болаларнинг ижодий ташаббусини қўллаб-қувватлаши, уларга ишониши лозим. Шундагина самимий муомала вужудга келади. Муомала эса, аввало, маънавий яқинлашувдир.

Ўқитувчи ахборот берувчи, ҳикоя қилувчи сифатида эмас, ижодий ҳамкор, дўст-қадрдон бўлиши керак. «Айтдим — ўзлаштирди — текширдим» қабилида ишлаш ҳеч қандай самара бермайди. Сиз, мулоимлик билан ўқувчида билим олишга рағбат уйғотиш, синхор кўполик қилманг. Масалан, «Дафтарларни тайёрланг» қабилидаги буйруқдан кўра, аввало ўзимиз дафтаримизни стол устига қўйиб, «Дафтарларимизни тайёрлаб қўйилик» десак фойдалироқдир. Ёки чиройли кийининг дейишдан аввал бу борада ибрат бўлин! Шундагина насиҳат қилишга, ўргатишга маъна ҳақли бўласиз. Энг асосийси, тарбиянгиз самарали бўлади. Акс ҳолда, барча саъй-ҳаракатимиз кумга сув қуйгандек изсиз кетади...

**Икромжон ЖҲРАЕВ,
Халқ таълими аълочиси**

ЎҚУВЧИЛАР БИЗНИ КУЗАТАДИ

Mulohaza

Беш йиллик педагогик фаолиятим устозларим меҳнати олдида денгиздан томчидек бўлиб қолади. Аммо ўтган давр давомидида кузатишларим, ҳулосаларим бошловчи ўқитувчилар учун фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Таълим ва тарбиянинг қон билан жондай бир-бирига боғлиқлигини кун ўтган сайин чуқурроқ тушуниб бораёпман. Ўзим ишлаётган коллежда бир вақтлар ўқувчи бўлганман. Менга дарс берган ўқитувчиларим билан ҳозир бир сафда ишлаяпман. Ҳамкасбларимнинг кўпчилиги кийин вазиятларда кўмаклашишга ҳаракат қилади. Хато-ларимни атрофдан яшириб, ўзимгагина кўрсатилади, тезроқ тузатиб олишимни иштади. Худди ота-онадай гамхўр. Баъзан ўзимни улар олдида ҳамон ўқувчидек ҳис этаман. Албатта, бу ҳолат ўқувчилар орасидаги обрўимга бироз таъсир кўрсатаётгандек туюлади. Лекин нима бўлганда ҳам, топганларим кўпроқ...

Гуруҳ раҳбариман. Кимлар учун оддий ҳақиқат бўлган, бир кашфиётни айтмай. Ҳар бир бола ўз оиласи ҳақида ахборот ташир экан. Хулқи, кийиниши, ўзини тутиши, атрофдагиларга муносабати, ўқишга масъулиятига қараб шу боланинг оилавий муҳитини билиш мумкин. Тортинчоқ, бетга чопар, жиз-

заки, мулоим, қатъиятли, тиришқок... Ҳар бир ўқувчининг феъл-атворидан келиб чиқиб муомала қилишга уриниб, меҳрига сазовор бўлиш мумкин экан. Улар мендан, мен улардан мадад олиб ишлаб юрибман. Бир гал онаси касал бўлиб қолган ўқувчимга шанбаликда жавоб бериб юбордим. Йўқлама қилиб юрган раҳбарлардан бири "Жавоб беришга гуруҳ раҳбарининг ҳаққи йўқ", деб ўқувчилар олдида менга танбех берди. Жуда ёмон аҳволда қолдим. Гуруҳ раҳбари ким? Узрли сабабини айтиб турган ўқувчига жавоб беришга ҳаққи бўлмасми? Бу ҳолат менга айрим оилаларда онанинг ўрнини йўққа чиқариб, фақат менинг гапим гап, дейдиган фикри тор оталарни эслатди. Аввало, бу болада онасига нисбатан ҳурматсизлик, "Онамни ҳурмат қилмасам ҳам бўлаверар экан", деган фикрни уйғотади. Бола тарбияни асосан онадан олади-ку! Вақти ҳам, им-

конияти ҳам йўқ ота фарзанд олдидаги макеини ошираман деб, аксинча, унинг тарбиясини бой бериб қўймай-тимми? Ўқувчи зукко. Улар ҳар қадар мингизни, ҳар бир ҳаракатингизни кузатади, баҳолайди, ҳулоса чиқаради. Айрим устоз ҳамкасбларимга муносабатимда ўша ўқувчилик дамларимдаги баҳоимнинг таъсири бўлган. Ҳеч қачон сиздан макеини пастроқ ҳамкасбингизни обрўсизлан-тириш орқали ўзим обрў-этибор то-паман, деб ўйламанг. Ўқувчилар ҳар биримининг кузатиб турганини унутмас-лик керак.

Бўлган воқеа. Бир гал қизчам исит-малаб, инжиқлик қилди. У билан овора бўлиб, ўн дақиқага ишга кечикдим. Интизом, қатъий тартиб биринчи ўринга қўйиладиган жойда ишлайдиганлар менинг ҳолатимни яхши тушунади. Салкам учиб бордим. Ўқувчиларим хо-нага киритилган, китоб дафтарлари

очик... Дарҳол мавзунини ёза бошладим. Ким экан, мени бундай вазиятда қўллаб юборган, деб ўйлайман-у, тополмай-ман. Ўқувчилардан сўраш ноқулай. Маълум бўлишича, мактаб раҳбарларидан бири ўқувчиларимни синфга киритиб, ҳатто текширишга кирган наватбачи ўқитувчига ҳам "Узрли, иш билан жўнатгандим", деб мени ҳимоя қилибди. Ўзимга эса ҳеч нима демасди. Назаримда, бу ҳаракатлар инсон-нинг ички маданияти даражасидан келиб чиқади. Танбех эшитганимда бун-чалик таъсирланмасдим, балки. Шун-дан буён киминдир ёлгон гапиришга мажбур қилмаслик учун тиришаман. Бу юзта бақир-қақир-у, тушунтириш хати ёзишдан кўпроқ таъсир қилади, де-сам ишонаверинг!

Таълим-тарбияга масъул эканмиз, ҳар бир соҳада ўзимиз ўрнат бўлиши-миз керак. Айтдилар-ку, "Сен ўзинг-га қандай муомала қилишларини хо-ҳласанг, бошқаларга ҳам шундай му-омала қил", деб. Ички маънавиятимиз бир-биримизга, ўқувчиларга, атрофда-гиларга муносабатимиздан кўриниб ту-ришини унутмайлик, азиз ҳамкасблар!

**Садбарг АБРАЕВА,
Термиз тиббиёт коллежи
ўқитувчиси**

“Ёшлик” талабалар шаҳарчаси-га кадам қўяр экансиз, янгидан чирой очган мўъжазгина ҳудуд кўз олдингизда намоён бўлади. Ҳаммаёқ обод, саришта. Бир-биридан чиройли кўриниш касб этган, замонавий талаблар асосида бунёд қилинган талабалар тураржой бинолари. Университетга элтадиган узун йўлакнинг икки тарафидаги қийғос очил-

Faxr

ган гуллар кўзни қувнатади.

Талабалик вақтимизда стадион олдидаги ялангликка чиқиб ўтирардик. Ҳозир ушбу яланглик кўкаламзорлаштирилиб, ёзу қишда бир хил — ямшил бўлиб турадиган, ҳавога кўп миқдорда кислород ажратадиган арчалар экилибди. Йўлакнинг ўнг томонида жойлашган сув спорти саройи эса доимо гавжум...

ОБОД ШАҲАРЧАДАГИ ҚУЛАЙЛИКЛАР

барча-барчанинг ҳавасини келтираяпти

Ёшларга эътибор — келажакка эътибор

Бугун талаба-ёшларга яратилган шарт-шароитлар, кенг имкониятлар эшиги ҳар бир кишининг ҳавасини келтиради. Қулайликларнинг қадрига етиш, кўз қорачигидай асраб-авайлаб фойдаланиш бу ерда яшаётган ҳар бир талабанинг муқаддас бурчи саналади.

Бу ерда кимлар яшайди?

“Ёшлик” талабалар шаҳарчасининг умумий майдони 658 гектарни ташкил этади. Шаҳарча ҳудудида 9та маҳалла мавжуд бўлиб, 47800 нафар аҳоли истиқомат қилади. 20та таълим муассасасида 41 мингдан ортиқ талаба-ўқувчилар тахсил олади. Шулардан 10 мингга яқини 40та тураржойда яшайди. Эътиборлиси шуки, ҳудудда яшовчи аҳолининг аксарияти ўқитувчи-профессорлар ёки тиббиёт масканларининг ходимларидан иборат. Бир сўз билан айтганда, “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси бутун республикамизга етук мутахассис кадрлар етиштириб берувчи йирик марказ.

— Республикамининг ҳар бир бурчагида бўлгани каби “Ёшлик” талабалар шаҳарчаси ҳудудида ҳам янги ўқув йилига тайёрларлик ишлари бажарилди,— дейди шаҳарча ҳокимининг биринчи ўринбосари Самиғжон Ҳикматов. — Айни пайтда талабалар тураржойларини куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича аниқ ишлар амалга оширилаяпти.

Сўхбатдошимиздан талабалар учун яна қандай янги имкониятлар яратилгани ҳақида сўраганимизда,

“яхшиси, ўз кўзингиз билан кўрганингиз афзал. Шаҳарчани бир айланиб чиқинг”, деди.

Куз-қиш мавсумига қандай тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани билан танишиш мақсадида тураржой биноларини кузатамиз. Таълим муассасалари масъул ходимлари билан биргаликда жараёни кўздан кечираётган шаҳарча ҳокими ўринбосари Ибодулла Бердиевни учратдик.

— Куз-қиш мавсумига тайёргарликни таълим муассасаларига те-

Эшик олди гавжум. Эндигина келган талабалар келаркли ҳужжатларни расмийлаштирмоқда.

Барча талабалар ҳам шундай қулай шароитлар мавжуд ётоқхоналарда туриш имконига эгами? Тураржой бошлигининг таъкидлашича, талабаларнинг ўқиш жараёнидаги ва жамоатчилик ишларидаги фаоллиги, ички интизоми кўриб чиқилиб, шу асосда ётоқхонага жойлаштирилади. Кам таъминланган оила фарзандлари эса биринчилар қатори шундай имконга эга бўлади.


“Маънавият ва маърифат хонаси”га киравимиз. Жавонларда териб қўйилган турли китоблар, бадий асарлар талаба-ёшларнинг дунёқарашини, билим доирасининг кенгайишига ёрдам беради. Газеталар таҳламли эса йигит-қизларни мамлакатимизда ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан воқиф этади.

Хоналар бир-биридан саранжом. Бугунги талабага ҳавас қиласан, киши.

Яшаш ва ўқиш учун барча шароитлар муҳайё. Икки кишилик хонада дарс қилиш, овқатланиш ва дам олиш учун имконият яратилган. Барча қулайликларга эга ошхона, кир ювиш машинаси мавжуд хоналар, турли спорт тренажёрлари — барча-барчаси талабалар хизматида. Бундай шароитлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда фақат енгни шимариб ўқиш, изланиш, интилиш керак.

Эски дафтарни варақлаб...

Талабалар шаҳарчасини айланиб, ҳамқишлоғимнинг гапларини эсладим. “Талабалигимизда 12-ётоқхонада яшаганимиз,— дерди у. — Биз турган бино авария ҳолатида бўлиб, иморатнинг тепа қисмида ёриқлар бор эди. Хоналарда эса 3-4 нафардан талабалар яшарди. Кимдир дарс тайёрламоқчи бўлса, яна кимнингдир мусиқа эшиттиси келарди, бошқаси дугонаси билан суҳбатни қизитарди. Бировнинг уйдан меҳмон келиб қолса борми, айримларимиз қўшни хонага чиқиб ётишга мажбур бўлардик. Хона деворларидаги қоғозлар қизиқ ташланган, йиртилиб кетганди. Имкони бор талабалар (асосан ўғил болалар) ўзлари хонасини енгил таъмирлаб оли-



шар, қолганлар эса деворга турли суратлар, тақвимлар ёпиштириб, “бежалган” деворни яшириш учун хонани “безатишарди”.

Ҳозир-чи? Ҳамқишлоғим истиқомат қилган 12-талабалар тураржойи ўзгача, замонавий кўриниш олган.

Шаҳарча талабага мунтазир

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятдан келаятган талаба-ёшлар билан суҳбатда бўлдик. Улар ҳозир барчанинг, ҳаттоки, ўз уйи ёки қариндошиникида яшаётган курсдошларининг ҳам ётоқхонада туришни хоҳлашини, бу ерда ҳавас қилиб кетаётганини таъкидладилар. Ўзбек филологияси факультетига ўқишга кирган бухоролик Шаҳрибону Ҳамроева “Ёшлик” талабалар шаҳарчасида яратилган шароит ва қулайликларни телевизорда кўргани, бугун эса ўзига шу ерда яшаш бахти насиб қилганидан хурсандлигини айтди.

Ён-атрофи ободонлаштирилган бозорчани ораладик. Расталардан ўрин олган барча маҳсулотларни талабалар пластик карточкалар орқали харид қилиши мумкин. Гўзаллик саломи, интернет-кафе, компьютерхона, овқатланиш шохобчалари фаолияти қизгин. Китоб дўкониди эса турли канцелярия моллари, ўқув қуроллари, дарслик ва бадий адабиётлар талабаларга мунтазир.

Райхон тўла йўлақлар

Азалдан ўзбек ҳовлиларида райхон экилган. Сув сепилган тупроқнинг ёқимли иси ва райхоннинг хуш бўйи аждодларимиз саришталигини, болалик билан бoғлиқ нафис ҳисларимизни, миллий анъаналаримизни ёдга солади.

Талабалар шаҳарчасидан қайтар эканмиз, йўлакнинг икки томонида тўп-тўп бўлиб қулоч ёйган нафис райхон иси қалбимизга эзгулик таратиб, ота-боболаримизнинг хайрли анъаналари ҳозир ҳам бардавонлигини таъкидлаётгандек бўлади. Ҳа, бу ерда буюк аждодларга муносиб авлодлар камол топмоқда.

Назoкaт ХОЛМЕТОВА,
“Ma'rifat” мухбири

Бурхон РИЗОКУЛОВ
олган суратлар.



Кичик ёшдаги болалар катталардан тубдан фарқ қилиб, ўзларига нисбатан алоҳида эътибор талаб қилади. Улар ўта таъсирчан бўлганликлари учун ҳам бир оғиз мактов билан қийин вазиятдан чиқиб кетишлари ёки кўпчилик олдидаги танбехдан қаттиқ руҳий сиқилишлари мумкин. Боланинг боғчага мослашуви жараёнида буни инобатга олиш муҳим. Уйда хоҳлаганини қилиб ўрганган, ота-онаси эркаликларини кўтарган, истакларига кўпда қарши борилмаган бола, табиийки, боғчада жамоа қонун-қоидаларини қабул қилишга қийналади. Турли муҳитда тарбия топаётган кичкинтойларни бир хил шароитга кўнктириш осон эмас. Болада жамоат туйғусини шакллантириш учун вақт ва эътибор талаб қилинади. Шу маънода мактабгача таълим муассасасига мослашув жараёни педагогиканинг муҳим муаммоси бўлиб, олимлар томонидан атрофлича ўрганилади.

Психологлар Д.Эльконин ва Е.Кравцова фикрича, боғчага тезда кўнктириб кетиш организмда ривожланишни кучайтиради. Тадқиқотлардан кўринадики, мактабда яхши ўқийдиган ўқувчиларда боғчага борган дастлабки пайтлардаёқ адаптация жараёни осон кечган. Л.Божович эса мослашувга ўзига хос янги ижтимоий муносабатларга ўтиш деб қарайди. Агар болалар мактабгача даврда кўпчилик билан мулоқотда бўлса, кейинги ҳаёти давомида ҳам киришлари ва муштаки бўлади. Кичкинтойлар бошқалар билан тезкор муомалага ўрганиши, атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлашига эришиш учун маълум истаклари бажарилмай қолишига кўнктириш керак, дея ҳулоса чиқаради олим. Бироқ фарзандларимизнинг талабларига шунчаки ёки кескин қаршилиқ билдираверсак, одамови, аламзада, бепарво шахсни вояга етказиб қўйишимиз мумкин. Келинг, назарий қарашлардан бироз чекин, боланинг боғчага

Душанба

Тўрт яшар Ақобирни ўрта гуруҳга олиб келишди. Хужжатлар, тиббий карта билан танишган ҳамшира боланинг қандай касалликларни бошидан кечиргани ҳақида сўради. Севара опа ўғли уч ёшигача бош чанок ички босими таъсири билан даволангани ва шунинг асоратида кўпинча йиғлаб, асабийлашишини айтди. Тарбиячи Ақобирни бир ҳафта мобайнида уйку вақтигача, яъни соат 12.30ларда олиб кетиш лозимлигини тайинлади. — Болалар, бугун гуруҳимизга яна бир ўртоғингиз келди. У билан дўст бўламиз-а?



қандай мослашишини амалиётда кузатамиз. Албатта, бу жараёнда ҳар бир «янг» тарбияланувчининг индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, оғир-босиқ, вазиятга тез мослашувчан бола билан йиғлоқ, эътиборталаб, айтганини қилдирадиган бола ўрта-сида янги шароитга ўрга-


— Ҳа-а-а.

— Келинлар, Ақобир-жон билан ўйнаймиз, унга йўнчоқларимизни берамиз...

Илик кутиб олинганидан бўлса керак «янг» бола онаси кетаётганда индамай қолди. Орсусидаги боғча билан реал боғчани солиштириш, шекилли, ҳамма ёққа бир-

нишда тафовутлар бўлиши табиий. Бироқ кичкинтойларни жамоавий муҳитга кўнктиришда умумий ёш ва психологик ривожланиш жиҳатидан тарбиячи ва ота-оналарга бир хил талаб қўйилади. Кузатувни Сергели туманидаги 552-МТМ тарбиячиси Нурия Ясинова раҳбарлигидаги гуруҳда олиб борамиз.

Нонуштани энага едириб қўйди. Афтдан, Ақобир уйда муштаки овқатланмади. Тушликка ўтирган маҳал онаси келганини пайкаб ўғурғиллаб чиқди. Иккала кўзи ҳам эшикда эди-да!



Сешанба

Эрталаб хоҳламайгина онасидан ажралган Ақобир бадантарбия машқларини бажаришни истамади. Тарбиячи кун бошидан инжикланаётган болани эркалаб, бироз мактагандан кейин сутли бутқани ейишга рози бўлди.

— Қара, ҳамма ўртоқларинг нонушта қиляпти. Улар бакувват, полвон бўлишди, — боланинг билаларидаги мускулларни кўрсатди. — Сен ҳам шундай бўлишни хоҳлайсанми?

Ақобир тасдиқ маъносидан бош ирғаб стол атрофига жойлашди. Шу пайт Робия «Нимага менинг сарёғли номинга тегасан?! Ана ўзингизники е!» дея ўргатган киши бўлди. Болакай бундай танбехдан кейин уялиб қолди.

Машгулот бошланди. — Бир, икки, уч... Ҳаммамиз санашни ўрганамиз!—дея тарбиячи барча болаларни фаолликка ундади. Азима, Аюбхон, Сардор ва Гулноза саволларга «мен, мен!» деганча жавоб беришарди.

Ақобир ҳам санашни биларкан-у, лекин айнан ўзидан сўрамагунча индамади.

— Ақобир, мана бу айиқ полвоннинг кўзи нечта?

- Иккита.
- Оёқлари-чи?
- Тўртта.

Чоршанба

Бугун кузатувимиздаги тарбияланувчи ичкарида шиппакни эмас, пойабзалимни кияман ёки ялангоёқ юраман деб хархаша қилди. Талаби кондирилгачгина, тасвирий санъат машғулотида барг расмини чизишга киришди. Ақобирнинг «асар»и ўхшамасди, чунки мўйқаламда ишлаш техникаси билан таниш эмас эди. Боғча опа унинг қўлидан ушлаб чиздирди. Шундагина иккинчи варақдаги яшил

Жума

Боғча опа онасининг бағридан ажралишни истамаётган болани кучоқлаб кўтарганича ичкарига олиб кириб кетди. Тарбиячи йиғласанг, ўртоқларинг кулада деса ҳам, Ақобир уйга кетаман деб туриб олди. Ўйинчоқ машина бериб, аранг кўндиришди. Ана шу ўн дақиқалик дилхиралик тушгача асоратини билдириб турди. Очик сув ҳавзасида чўмилиш пайтидагина юзи равшан тортиди. Кейин болакай кийиниб уйга кетди. Уйку пайтигача боғчада қолишнинг охиригиз кунни эди бу.

Бироқ бу ҳолат гуруҳдаги бошқаларга ҳам таъсир ўтказмай қолмади. Тонгги қабул вақтида Асадбек онасига «Нимага Ақобир ухламасдан уйига кетади?! Мен ҳам ҳозир сиз билан кетаман!» деб тихирлик қилди.

Саккизинчи кун

Ҳафта боши бўлгани учун деярли барча тарбияланувчилар эринибгина келишарди. Икки кунлик «эркинлик» ёқиб тушган-да! Қўлларида ширинлигу қадокланган қоқ нон, ичимлик ва сўргичлар кўтариб олган болалар бир-бирларига мактанишарди: «Сенга бермайман-н-н!». Қаҳрамонимиз ҳам худди шундай «тўлиб-тошиб» келди.

Ота-оналар ҳар кун тарбиячилардан танбех эшитишча ҳам, барибир шу ҳолат такрорланар



Хасанга етолмади. Арқон тортиш мусобақасида эса «янг» бола-нинг гуруҳидигилар ғолиб бўлди. Бунга маълум маънода боғча опа ҳам шароит яратиб берди. Ақобир жамоа муваффақиятида ўз ҳиссаси борлигини ҳис қилди ва хурсандлигидан сакраб-сакраб олди. Бу унинг боғчадаги илк эркин ҳаракати эди.

экан. Сабаби, боғчалар атрофида ҳар хил майда-чўйда сотувчи ходаларнинг «реклама»си болаларни ўзига жалб қилмай қўймайди. Фарзандининг боғчага йиғламай киришини истаган ота-оналар икки ўт орасида қолишган: олиб берай деса-тарбиячидан гап эшитади, олиб бермай деса-боласи ер тепинади...



Тўққизинчи кун

Бадантарбия тугагандан сўнг эшикдан кирган Ақобир шифокор ва ҳамшираларни кўриб қорқага тисарилди. Боғча опаси «Кўркма, кўркма, опалар «алло, алло» қиляпти. Сениям эшитади», дея юпатганидан кейин бироз ўзига келди. Авваллига бошқа болаларни жимгина кузатиб турган Ақобир навбати келганида қайсарлик қилдию, ўртоқлари кулганидан сўнг мардларча томоғини очиб кўрсатди. Ҳа, у жамоа қонун-қоидаларига анча кўнктиб қолди.

Ақобир ва тарбиячи учун боғчадаги энг қийин вазият кундузги уйку пайти бўлди. Айтиб берилган эртақлар, ухласа катта бўлиб кетиши ҳақидаги алдовлар ҳам қор қилмади. Уни ухлатаман дегунча бошқа болаларнинг ўғониш пайти бўлиб қолди.

Бола учун боғчадаги энг ёқмайдиган юмуш бу — уйку. Бунга нима сабаб деб ўйлайсиз? Ҳаммаси оилада фарзандларимиз кун тартиби нотўғри ташкил этилгани билан боғлиқ. Опалар ўғил-қизларини қатъий вақт асосида эмас, аксинча, қачон ўзлари чарчаб, уйкуси келгандагина ухлатишадди. Аслида, маълум кун тартибига амал қилиш бола ривожланишидаги барқарорлиқни таъминлайди. Вақтида ором олиб, вақтида тетик юришнинг саломатликка таъсири катта.

Ўнинчи кун

Йиғлаб, кўздан ёш, бурнидан суви оқиб келган Ақобирни боғча опаси доимгидек опичлаб олди. Онаси бугун фарзандининг томоғи қизарганини айтиб, бассейнда чўмилтирмасликни ва ухлаётганда кийимини ечмасдан ётқишишни тайинлади. Нутқини ривожлантирувчи машқлар чоғи ҳамма биргаликда айтадиган шеърларни такрорлашга Ақобир кийналди. Тарбиячи «Эчки болалари ва

бўри» эртагини бошлаб, давом эттиришни сўраган эди, болалар бажонидил чўпчак тўқиб кетишди. Ақобир яна бепарвогина ўтирди. Четдан қараганда у нима бўлаётганини тушунмаётганди. Шунда боғча опа Ақобирни ёнига олиб, ўртоқлари нима қилаётганини ҳижжалаб изоҳлади: «Сен ҳам эчки болаларини биласан-а? Бўрига ким эшикни очиб беради?». У саволларга қисқа, лекин тўғри жавоб беради. Бироқ ҳалиям ичидиганини сўғуриб олишга тўғри келаяпти...

Ўн бешинчи кун

Азиз гуруҳдаги энг тўполончи бола экан. Унинг текканга тегиб, тегмаганга тош отадиган одатини билган боғча опа шу кунгача Ақобирни ўз ҳимоясига олганди. Бугундан бошлаб бу «вазифа»дан воз кечди. Тарбиячи энди болаларнинг ўзаро мулоқотида, жанжаллашиб қолганида ҳеч бирининг ёнини олмай, томонларни тенг кўраётган эди.

Азиз Ақобир уйнаётган поездни оёғи билан бир туртиб ўтиб кетди. Шу кунларда «янг»лик макомидан тушган бола йиғлаб қолди. Боғча опа ҳам аввалгидек югуриб бориб юпатмади. Вазиятни четдан кузатиб: атрофдан мадад бўлмагач Ақобир ўзига ишониш кераклигини тушунди. Шартта ўрнидан турди-да Азиз қаторқатор териб қўйган машиналардан бирини олиб қочди. У муштани дўлайтирганди, бу ҳам бўш келмади. Демак, бола жамоа



қонун-қоидаларига ўз муносабатини билдира бошлади.

Йигирманчи кун


Тарбиячи ҳар кун Ақобирни бағрида ухлатарди. Лекин бунга доим имкон йўқ. Бошқа болалар ҳам «Боғча опа, нимага сиз ҳар кун Ақобирни эркалатасиз?» деб қўймасди.

Тарбиячи Нурия опа бунинг ҳам иложини топди:

болалар уйдаги сеvimли юмшоқ ўйинчоғини олиб келиб, кароватига қўйиб қўйди. Қўғирчоқларини кучоқлаб ётган болаларга эртақ айтиб берилса, ҳеч қанча вақт ўтмасдан «пиш-пиш» этиб ухлаб қолишарди.

Йигирма бешинчи кун

Ақобир боғчага келган дастлабки кунлари бир қарашдаёқ янгилиги билдириди. Ўзини тортиб туриши, болаларнинг муносабатига тезда жавоб қайтаролмаслиги, давраларга суқилиб киролмаслиги тенгдошлари билан ўртасида кўринмас чизик тортиди. Энди эса у ўзини



шу гуруҳнинг тўлақонли аъзоси санай бошлади: бошқа болалар югурганича кириб қолишса, у «Чик бизнинг хонамиздан!» дея очикчасига қаршилиқ билдирди. Ақобир энди «янг» бола» эмас.

Ўттининчи кун

Болалар уйкудан уйғонгач, бирма-бир ювиниш хонасига кириб чиқишди.



Ақобир эса жойидан жилмади, кўрпа жилдлари билан ҳўл ўринни яширишга уринарди...

Боғча опа «айбдор»ни бу ишни у қилмаганига ва бунинг ҳеч қим кўрмаганига ишонтира олди. Шундагина қулоқларига қизариб кетган боланинг чехраси сал ёришди.

Тушдан кейинги таомда шарбат билан ширин кул-




Kuzatuv

ча тортилди. Ақобир на-сибанинг ярмини еди, ярмини эса уни кузатиб турган онасига илдинди.

— Ойи, катта бўлсам, сизга нон олиб келаман дердим-ку. Мана!

либ чиқиб, боғчага янги келган болаларни уч гуруҳга ажратганман. Биринчи тоифа оғир, босиқ ва жамоа қонун-қоидаларини тез ўзлаштирувчи бўлади. Иккинчи гуруҳга эса Ақобир сингари болаларни киритиш мумкин. Яна, ўта жижзаки, гап уқтириш мумкин. Тарбияланувчилар ҳам учрайди. Бундайлар гуруҳга икки ойисиз мослашолмайди, ҳатто касалликка чалиниши мумкин. Ақобир ҳақида тўхталадиган бўлсам, у боғчага босқичма-босқич мослашди. Боланинг таълимий, тарбиявий жиҳатдан қизиқишлари бор. Фақатгина уларни юзага чиқаришда бепарволик қилмаслик керак.

Кузатувдаги болага тарбиячи етарлича эътибор берди. Натижада мослашув жараёни осон ва тез кечди. Боғча опа ота-оналар билан ҳамкорлиқни янада кучайтириши лозим. Чунки Ақобиржон эр-



Фотима Кодирова, педагогика фанлари доктори, профессор:

— Айни кунларда тайёрлов гуруҳларидан тарбияланувчилар мактабга кузатилиб, боғчаларнинг бағри яна янги ўғил-қизлар билан тўлаяпти. Бу давр бола, ота-она, тарбиячи учун ўта масъулиятли палла. Агар мосла-

такни давом эттиришга қийналади. Демак, ота-онаси у билан кўпроқ суҳбатлашиб, ҳар кун эртақ айтиб бериши мақсадга мувофиқ.

Насиба ЭРХОНОВА, «Ma'rifat» муҳбири

Б.РИЗОКУЛОВ сурат-лавҳалари.

Мутолаанинг фойдаси ҳақида телевидение, радио ва матбуотда кўп гапирилади. Лекин одамни китоб ўқишга ўргатиш осон эмас. Равшанбек Хонийёзовнинг «Танлаш имконияти ўзингизда» асарида бу хусусда қизиқарли фикр-мулоҳазалар билдирилган.

Болтаси ўтмас ўтинчи

Марҳамат қилиб саволимизга жавоб берсангиз: «Қачон ва нима билан ақлингизни озиклантирасиз?» Тўла ишонч ҳосил қилишингиз лозимки, бугун эгаллаётган билимингиз эртанги келажагингиз учун жуда муҳим.

Ҳеч омади келмаган ўтинчи ҳақида эшитганмисиз? Ўша ўтинчининг бошқа ҳамкасбларидан ҳеч қандай фарқи йўқ эди. Фақат иш самардорлиги кундан-кун пасайиб борарди. Чунки у болтасини ўткирлаш учун сира вақт тополмасди...

Кўпчилик китоб ўқиш ҳақидаги саволга бир хил жавоб беради: «Вақтим йўқ». Аммо ақлингизни озиклантиришга «вақт йўқ»лиги омад борасида оқсоқланишингизга олиб келиши мумкинлигини унутманг. Аслида, чиндан қилишимиз

— кутубхонадан китоб олиш, танишларингиздан уни сўраб юргандан кўра, дам-бадам китоб сотиб олинг, шахсий кутубхона ташкил қилинг;

— ўқиш учун мўлжаллаган китобларингизни тўшагингиз ёнида, хуш кўрадиган креслонгиз олдида, ўзингиз ёлғиз қоладиган жойда сақланг;

— йўлдаги вақтингизни беҳуда ўтказмай, нисбатан энгил қабул қилинадиган китоб ўқиш кетинг.

Шу пайтгача мутолаа билан умуман қизиқмаганимиз, ташвишланишга ҳожат йўқ, буни ҳалиям уйдасиз бўлади. Дастлаб ўзингизни мажбурлаб, зарур маълумотларни ўқишингизга тўғри келади. Кейин кейин мутолаа билан мунтазам шуғулланиш натижасида учта нарсасига амин бўласиз:

— китоб ўқиш сизга ёқа бошлайди;

— Шунда тушунаман ва олдинга қараб интиламан.

Китоб ўқиш чоғи фикрлар туғилиб қолса, мутолаани дарҳол тўхатиб, махсус қайд дафтарчасига гоёларни тушириб қўйиш зарур. Дафтар саҳифаларини иккига бўлиб олинг. Илк мутолаа мобайнида қоғознинг биринчи қисмини қизил рангли ручка билан тўлдирингиз. Китобни қайта ўқиш асносида туғилган фикрларингизни эса саҳифанинг иккинчи қисмига кўк рангли сийёҳда ёзиб борасиз. Кейин ҳисобчилар фойда ва зарарни чўтга солгани каби қизил ва кўк қайдларни киёслаб чиқасиз. Биринчи мутолаа одатда тез сўрьатда кечади. Кейингиси эса кўпроқ гоё ва фикрлар бериб, фаровон ҳаётга эришиш учун илҳом бахш этади.

Уч қонда

Ўқиш жараёнида асосий учта қондага амал қилиш лозим:

Биринчи қонда: биринчи марта дуч келган ахборотнинг 2 фоизигина ёдда қолади, 98 фоизи тезда унутилади. Маълумотни тўлиқ тушуниш, қайта ишлаш ва ўзлаштириш учун эса 21 мартаба ўқиш керак экан.

Иккинчи қонда: китобни кунига 20 дақиқадан ўқиш энг самарали ва афзал усул саналади. Шошилмасдан ўқинг, миёнагиз ахборотни тушуниб, қайта ишлашга улгуриши лозим.

Учинчи қонда: китобнинг муҳим жойларини белгилаб, мумкин қадар эслаб қолинг:

— муҳим сўзларни сариқ маркер билан;

— доно фикрларни кўк маркер билан;

— эътибор қилиниши лозим ахборотларни қизил маркер билан ажратиш мумкин.

Ана шунда китоб ва қайд дафтарни фақат ўзингизгагина тегишли шахсий асарга айланади. Унга хоҳлаган пайтда мурожаат қилишингиз, доимий маълумотнома ва манба сифатида фойдаланишингиз мумкин. Қолаверса, бу ўзлаштирилган маълумотларни кейинчалик қайта кўриб чиқиш имконини беради.

Эслаб қолиш қобилиятининг дамуҳимроғи маълумот таъсирини тушуниш ва шу аснода қарор қабул қилишдир. Зотан, ҳаракатга ундамайдиغان билим — билим эмас.

Ўзингизни мажбурланг

Қўлига китоб олишни истамаган инсоннинг ўқишни умуман билмайдиган одамдан фарқи йўқ. Худди шунингдек, омад ва муваффақиятга элтувчи тамойиллардан воқиф бўла туриб, уларни ҳаётига татбиқ этмаган киши ҳам бундай маълумотлардан хабари йўқ одамдан авло эмас.

Билимининг мунтазам оширишига интиладиганлар, албатта, ҳаётда ўз ўрнини топади. Сизда бу ҳислат бўлмаса, ўзингизни мажбурлашингиз лозим. Ўзингизни китоб ўқишга мажбурланг. Мутолаа доимий одатингизга айланса, муваффақият эшиклари очилаверади.

Сиз ҳозирок китоб ўқишга чоғланаяпсиз, шундай эмасми?

ЎҚУВЧИ МАЪНАВИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШ

Янги ўқув йили ҳам бошланди. «Мактаб—ойла—маҳалла ҳам-корлиги», ўқувчи формаси, ўқув куролларининг сифати ва дизайни, илм масканининг ички тартиб-қоидалари, ўқувчининг бўш вақти, фан ва спорт тўғрисидаги мунтазам фаолияти — буларнинг барчаси янги ўқув йилининг энг долзарб мавзулари...



Пойтахтимиздаги 144-мактабда Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси томонидан ташкил этилган «Юксак маънавияти, мустаҳкам иродали ёшлар — юрт таянчи» мавзусидаги амалий анжуманда ана шундай долзарб масалалар муҳокама этилди.

Тошкент шаҳридаги мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, синф раҳбарлари, психологлар ва ёш педагоглар иштирок этган тадбир аввалида таълим муассасалари, «Баркамол авлод» болалар марказлари, Болалар спорт мажмуалари ўқувчи-ёшлари томонидан ижод намуналари ва эришилган ютуқлар кўргазмаси намойиш этилди.

Тадбирда Халқ таълими вазири ўринбосари А.Холбеков ва бошқалар юртимизда таълим тизимида юз бераётган янгиликлар, янги ўқув йилидаги ўзгаришлар ҳақида тўхталиб ўтилди.

— Янги ўқув йилида таълим муассасаларида маънавий-маърифий ишларни янада жонлантиришга алоҳида аҳамият қаратилади, — дейди бошқарманинг маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими мутахассиси З.Азимова. — Шу мақсадда барча илм масканларида отоналар, маҳалла фаоллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, маънавият тарғибот бўлимлари ходимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари жалб қилган ҳолда амалий семинарлар олиб бориш кўзда тутилмоқда.


Тадбирда иштирок этган директор ўринбосарлари ва синф раҳбарларига ўқувчиларнинг ўқув йили давомидаги бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, дарсдан кейин уларни «Баркамол авлод» болалар марказлари ва спорт мажмуаларидаги тўғраракларга жалб этиш юзасидан атрофлича тушунчалар берилди.

Тадбир якунида таълим сифати ва мазмунини юксалтириш, ёш авлодни баркамол этиб тарбиялашга ҳисса қўшаётган, маънавий-маърифий ишларни намунали йўлга қўйган педагоглар, синф раҳбарлари фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

МУҲБИРИМИЗ

Б.РИЗОКУЛОВ олган сурат.

КИТОБ ҚАНДАЙ ЎҚИЛАДИ?



зарур ишларни бажарсак, бугун андармон бўлиб юрган иккинчи даражали юмушларимизнинг рўйхати анча қисқарарди.

Бир йилда ташқи кўринишимиз учун каттагина маблағ сарфлаймиз. Энди айтинг-чи, бир йилда «ички кўриниш»имиз — онгу қалбимиз учун неча сўм ажратамиз? Ақлли одамлар шу икки рақам қиёсидан ҳам ўзига тегишли хулоса чиқара олади.

Кўтарилиш учун эскалатор

Мутолаа билан билимингизни оширасиз, ўзингизга ишонччи мустаҳкамлайсиз. Ҳозирги рақобатга асосланган дунёда ақлий ва ҳиссий даражангиз юксалишига имкон яратасиз. Китоблар аynи пайтда турган қаватингиздан юқорига кўтарилиш учун эскалатор вазифасини ўтайди, юқори чўққиларни забт этишда мадад қўлини чўзувчи содиқ дўст ролини бажаради.

Мутолаа режалаштиришни талаб этади. Бунинг учун, аввало, фойдали машғулотга одатланишга кўмаклашувчи тавсиялардан бохабар бўлмоқ жоиз:

— билим доирангиз кенгаяди;

— ўқиган ахборотларингиз сизни ҳаракатга келтира бошлайди.

Мутолаа сизни катта ишлар сари ундаши аниқ. Айримлар «Жуда кўп китоб ўқисам-да, нега омадим қолмайди», деб эътироз билдиришади. «Сиз китобларни нотўғри ўқигансиз», дея жавоб берамиз уларга.

Қайд дафтарчаси тутинг

Истеъдодли нотикнинг маърузасини тинглаш, маъноли аудиотасма эшитиш ёки яхши китоб мутолааси тасаввурингизни бойишда, ҳаётда ўз йўлингизни танлаб олишга имкон яратади. Иқрор бўласизки: «Бу менга ...ни эслатапти», «Бу менда ...гоясини уйғотаяпти». Мазкур лаҳзаларни қўлдан бой берманг. Бироздан сўнг ҳеч қандай фикрни эслаб олмаслигингиз мумкин.

Қўлидаги сўзлар ҳар биримиз учун хосдир:

— Мен эшитаман ва унутаман.

— Мен кўраман, эшитаман ва ёдда тутаман.

— Мен кўраман, эшитаман ва бажараман.

Бадий асарлар тасвирлаш йўсини, конфликтнинг табиати ва моҳияти ҳамда уни ҳал этиш усулига кўра уч катта турга бўлинади: 1) эпик асарлар; 2) лирик асарлар; 3) драматик асарлар.

Драматик турга мансуб асарлар асосан уч жанрга бўлинади: драма, комедия ва трагедия.

Аввало, сиз билан ҳар қандай спектаклнинг асоси бўлиши *драма* хақида муҳтарам фикрлашиб оласан. Драма — адабий асарларнинг сахнага қўйиш учун мўлжалланган диалог шаклидаги тури. «Драма» қадимги юнон тилидан олинган сўз бўлиб, «воқеа», «ҳаракат» деган маъноларни англатади. Бу изоҳда «воқеа» нимани англатиши ҳаммамиз учун тушунарли. Ҳар бир драма сюжети муайян бир яхлит воқеа ёхуд воқелик асосига қурилиши лозим. «Ҳаракат» тушунчаси нимани билдиради? Драмада акс этувчи воқеа, персонажларнинг ўзаро муносабатлари мудом «ҳаракат»да бўлиши, ривожланиб, ўзгариб, турланиб-тусланиб бориши лозим. Шу боис ҳам драманинг таъминини асосан ҳаракатдан иборат, дея эътироф этадилар. Ҳаракат деганда айримлар уни жуда тор маънода, яъни персонажлар(ёхуд актёрлар)нинг хатти-ҳаракати, деб тушунади. Аслида бундай эмас. Машҳур рус адабиётшуноси ва театр танқидчиси Виссарион Белинский драмага таъриф берар экан, уни жуда оддий, ҳамма учун тушунарли йўсинда ифодалайди: икки киши шунчаки вақт ўтказиш учун у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиришибди. Бу ерда драма у ёқда турсин, драманинг бирорта элементи ҳам йўқ. Агар ана шу икки киши бирор масала юзасидан қизгин баҳслаган, тортишсан, бир-бирига кескин гаплар айтса-ю(хатто ёқа бўйишишгача боришса), ана шу воқеа асосида ҳар иккаласининг бир-бирига муносабати бутунлай ўзгариб кетса, мана бу — ҳақиқий драма. Демак, «ҳаракат» тушунчасини биз том маънода тушунишимиз лозим экан. Бу ўринда воқеа ривож(ҳаракати), қаҳрамонлар ўзаро муносабатларининг ўзгариб, шаклланиб бориши(ҳаракати), қаҳрамонлар ички оламида кечаётган мураккаб, зиддиятли жараёнлардаги тебранишлар, тусланишлар(ҳаракатлар), воқеалар зиддияти, қаҳрамонлар тўқнашувидати шиддат ва кескинликлар(ҳаракатлар) ва ҳоказолар идрок этилади.

Драма жанрида яратилган асар фақат сахнага қўйилгандагина ўз низоҳисига етади. Агар сахнага қўйилмай қолиб кетса, демак, у драма жанри ва сахна талабларига тўлиқ жавоб беролмаган ёхуд бадий жиҳатдан заиф асар ҳисобланади. Драманинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти инсоннинг ижтимоий ва шахсий ҳаётидаги кескин вазиятларни ўз ичига олган мураккаб воқеаларни акс эттиришида намоён бўлади. Ўрталарида зиддият пайдо бўлган қаҳрамонларнинг тўқнашуви юз бераётган воқеаларнинг фақат ташқи

кўринишида эмас, балки шу воқеаларни бошдан кечириётган персонажларнинг фикр-мулоҳазалари, хис-туйғулари, ўй-интилишларида ҳам кўринади. Драмада ифодаланувчи воқеалар унда катнашувчиларнинг жамиятда, ўз шахсий ҳаётларида юзага келган масалалар хусусида бир тўхтамга келишини муқаррар қилиб қўлади.

Драмада ўлим ҳам тасвирлашни мумкин. Масалан, асар воқеалари асосий қаҳрамонлардан бирининг ёхуд бош қаҳрамоннинг ўлими билан тугаши мумкин. Бу билан асарни трагедия жанрига мансуб асарлар сирасига киритиб бўлмайди. Чунки драмадаги ўлим ижтимоий ёхуд сиёсий

да ўз мақсадлари томон интиладилар ва бу йўлда мурсою мадорани тан олмайдилар. Улар кучли хиссиёт эҳтирослар, жиловсиз хоҳиш устаклар оғушида бўладилар; уларни чуқур эътиқод, енгил бўлмас ишонч бошқаради. Трагедияга хос конфликтларда инсоннинг ўз синфига, халқига, давлатига муносабатлари ифодаланади, дини, қонуни, маънавиятга қарашлари намоён бўлади, шу билан бирга, бу хил конфликтларда оилавий ва ахлоқий масалаларга кенг ўрин берилади. Трагедия одатда одамларнинг турмуш тарзи ва шарт-шароитларининг кундалик одатий ҳамда меъёрий мезонлари бузилган вазиятларни акс этти-

дай хусусий ҳолатга тушиб қолмасин, ўз хатти-ҳаракатлари билан ижтимоий, ахлоқий масалаларни ҳал қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Трагедияда индивидуал ҳолат умумлашма аҳамиятга эга. Трагедияда ҳамма вақт ҳаёт маъносини, инсон қадри, одамлар томонидан яратилган ижтимоий-маънавий меъёрлар хусусидаги масалалар кўтариллади. Қаҳрамон бу каби масалаларни ўзи учун ҳал этишга, ўзи ва одамлар олдидagi бурчи нимадан иборат эканлигини ашлагашга уринар экан, ҳалокатга элтувчи йўлни танлайди. Бирок бундан трагедиянинг асосий мавзуи ўлим деган фикр келиб чиқмайди. Аксинча, трагедия қаҳрамон-

San'at va siyrat

пи бежиз эмас. Бош қаҳрамон номи инсоннинг бетимсол эҳтирослари, мафтунқор қалб хаяжонларига раъзий ишора бўлиб хизмат қилади. Масалан, «Ҳамлет», «Отелло», «Юлий Цезарь», «Ромео ва Жулетта»(Шекспир), «Мирзо Улуғбек»(Мақсуд Шайхзода)...

Бир вақтлари Арасту трагедия қаҳрамони рисоладагидек инсон ҳам, ашаддий қотил ҳам бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблаган. Трагедия қаҳрамон тушиб қолган вазиятнинг фожевийлигини хис этишга имкон бергандагина томошабинга таъсир қўрсатади ва уни ҳамдард қила олади. Одамнинг фақат заиф томонлари эмас, балки унинг қадри ва ижобий интилишлари ҳам қалтис, ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги томошабин хиссиётидаги иккиёқламаликка, фикратидаги кескинликка сабаб бўлади. Масалан, Эдмининг ўз хақи бахтсизлигига ким айбдор эканлигини билишга интилиши («Шоҳ Эдип»), Ромео ва Жулетта муҳаббат, Бруннинг республикани мустабид ҳокимдан қутқаришга интилиши («Юлий Цезарь»)...

Драматургия турли даврларда баъзи трагик қаҳрамонларга ҳамда айрим трагик вазиятларга қайта-қайта мурожаат қилаверди: «Занжирбанда Прометей»(Эсхил), «Шоҳ Эдип», «Антигона»(Софокл), «Фауст»(Гёте), «Юлий Цезарь»(Шекспир), «Мирзо Улуғбек»(Мақсуд Шайхзода) ва шу каби асарлар инсониятнинг жиддий қизиқишига сабаб бўлиб келмоқда. Зотан, бу асарлар қаҳрамонлари тақдирда, бошқа фожевий қаҳрамонлар қисматида бўлганидек, турли даврларда ҳамда турли ғоявий нуктаи назардан келиб чиққан ҳолда муносабат билдириш ва баҳо бериш мумкин бўлган умрбоқий масалалар кўтарилди. Бирок бу муносабатлар ҳеч қачон яқини у тўқис-туғал бўла олмади.

Трагедия томошабиннинг муайян хиссиётларини уйғотди, қалбидида қандайдир кучларнинг кескинлигига олиб келди, унга қувонч ёки эстетик завқ бағишлайди. Қадимда трагедия ўзига хос давловчи кучга эга, у ҳар хил эҳтирослар ва кучли хаяжоннинг ҳамда жазаваларнинг олдиди олади, инсон қалбини «тозалайди», деб ҳисоблашди. Аксарият мутафаккирлар эса, трагедия томошабиннинг рухий оламини кенгайтиради, қалбда кечаётган жараёнларни ҳамда интеллектуал фаолиятни такомиллаштиради, ҳаётни улғувор инсоний идеаллар билан бойитади, деб ҳисоблашади. Трагедиянинг ижтимоий-тарбиявий аҳамияти унинг одам энг оғир ҳаётий вазиятларда чидаб бўлмас азоб-уқубатлар исканжасида қолганда қандай улғувор ва гўзал бўлиши мумкин эканлигини тасвирлаш билан белгиланади. Трагедия яратиб муаллифдан тафаккурнинг чуқур, умумлаштирувчи кучини, сўзининг алоҳида ифодавийлиги ва маҳобатини, меъёрий хис қилишнинг қатъий талабларини тақозо этади.

Фарход ФАЙЗИЕВ,
театршунос

СПЕКТАКЛНИ ҚАНДАЙ ТОМОША ҚИЛИШ КЕРАК?

Учинчи мақола

ради. Трагедия оддий ҳолатларни эмас, муайян жамият томонидан қабул қилинган ҳар қандай инсоний, ижтимоий-сиёсий меъёрларнинг бузилиши ва бунинг оқибатида юзага келган «пиҷоқ бориб суякка такалиш» қабиллидаги истисноли вазиятларни тасвирлайди. Трагедияда қаҳрамоннинг бир вақтининг ўзида куч-қудратини ёки қувватини, заифлигини намоён этишга ҳаётини вақеага тўқнашувини кузатиш мумкин.

Воқеаларнинг улғуворлиги, қўламдорлиги ҳақиқий трагедияга хос энг зарурий хусусиятлардандир. Бош қаҳрамон муайян муҳитда мавжуд тартиботни бузишга қодир қандайдир вайрондодий ҳодисани амалга ошириши ёхуд оширмақчи бўлиши билан боғлиқ равишда конфликтнинг маҳобати, куч-қудрати ва аҳамияти кучая бошлайди. Қаҳрамон хатти-ҳаракатлари топтаган адолатни тиклаш ёки ишқ-муҳаббат, рашқ ёки қасос олиш, ё ҳукмдорликка интилиш, булардан қатъи назар, у муайян ҳаёт тарзининг ҳақами, одамлар тақдирини ҳал қилувчи шахс сифатида намоён бўлади. Қаҳрамоннинг кечинмалари, унинг қалбидида содир бўлаётган бир-бирига зид интилишларнинг қураши, ҳаётининг азоб-уқубатларга тўла зиддиятларини идрок этиши трагедиянинг асл мағзини ташкил қилади: муҳаббат ва бурч ўртасидаги, шахсий хоҳиш ва ахлоқий принциплар ўртасидаги, шахсий мақсад ва жамият тараққиётининг тарихий шартлари ўртасидаги конфликтлар шулар жумласига кирди. Трагедия қаҳрамони ўзининг хатти-ҳаракатлари ва хоҳиши ҳаёт меъёрларига зид (хилоф) эканлигини, у ўзининг вайрондодий ишларининг аҳамиятини тушунади. Трагедия қаҳрамонлари илк бор ёхуд қайтадан ҳаётининг энг улғу масалаларини ҳал этишга киришган кишилардир. Қаҳрамон муайян ҳаётий масалаларни ҳал этар экан, кан-

ларининг фикрлари, мақсад-интилишлари, ҳаётининг қадри қимматида бағишланади. Бирок трагедияда ҳалокатнинг муқаррарлиги деярли ҳар доим пинҳоний равишда сезилиб туради ва қаҳрамонлар ана шу йўлни танлаб, ўз ҳаётларини, айрим ҳолларда эса, ўзларининг яқинлари ҳаётини ҳам ҳавф остига солаётганларини қўпинча тушуниб турадилар. Ҳаёт ва ўлим ўртасида қураш кетаётганлиги ҳамда ҳалокат қаҳрамоннинг муқаррар қисмати эканлиги трагедия воқеаларига низоҳида кескинлик тусини бериш билан бирга уни тушунлиқ руҳи ва қайфиятдан холи қилади.

Ҳаёти қил устида турган, ўлим билан юзма-юз қаҳрамон хиссиёти кескинлашиб боради. Ҳалокатли вазиятда унда мақсади амалга ошириш истаги уйғонади, йўқликка томон йўл олишдан олдин муқаддас бурчининг бажариш хоҳиши пайдо бўлади. Чунки трагедияда, ҳалокат ва вайроналикдан қатъи назар, ҳаётнинг мангуга янгиланиши рўй беради. Трагедия қаҳрамонни улғуворлик даражасига олиб чиқади, унга ҳаётнинг давомийлигини идрок қилиш имконини беради, ўлимдан ҳаёқини хисси мағлуб бўлади.

Трагедиянинг теран аҳамияти шундаки, у қаҳрамоннинг қурашлари, кечинмалари ва азоб-уқубатлари орқали инсон қадри, унинг ирода кучи, феъл-атвори улғуворлиги, қалб гўзаллиги нимада эканлигини намоён этишга имкон беради. Шу билан бирга, трагедия инсон ҳаётини номуқаммаллигини юзага олиб чиқади. Воқеликнинг номуқаммаллиги — дунёни фожий идрок қилишнинг туб асосидир. Бирок трагедиянинг бевоқиф татбиқ омили — воқеликнинг объектив зиддияти эмас, балки унинг қаҳрамон онги орқали акс этган ифодасидир. Шунинг учун ҳам қаҳрамон характери трагедияда содир бўлувчи воқеаларда бекиёс аҳамиятга эга бўлади. У — трагедиянинг маркази ва асосий мазмуни. Трагедиялар одатда кўра бош қаҳрамон номи билан атала-

Сўнгги ўн-ўн беш йилда глобал тармоқ фойдаланувчилари сони бир неча юз баробарга ошди. Виртуал олам қонуниятларидан беҳабар, учта дабл (www) билан бошланувчи манзилга бирор марта «бош суқмаган» одамни бугун учратиш қийин.

«Best Education Sites» («Энг яхши таълимий сайтлар») электрон наشري тузган анимацион жадвалда охириги ўн йилда интернет оламида кузатилган ўзгаришлар акс эттирилган. Унга кўра, 2002 йили глобал тармоқ фойдаланувчилари жами 569 миллион нафар (сайёрамиз аҳолисининг 9,1 фоизи)ни ташкил этган бўлса, бугун 2,27 миллиардга етди. Бу — дунё аҳолисининг 33 фоизи дегани. Ўн йил олдин одамлар интернет учун ҳар куни 46 дақиқа вақтини сарфлаган, айни пайтда эса бу кўрсаткич ўртача 4 соатни ташкил этмоқда. Умумий веб-сайтлар сони 2002 йил 3 миллионга эди, 2012 йилга келиб, 555 миллионга сайт рўйхатга олингани ҳақида маълумотлар бор. Хуллас, интернет ҳаётимизнинг муҳим қисмига айланди.

Ақсарият мутахассисларни асосан бир савол қийнапти: хорижий сайтлардан фойдаланаётган ёшларимизни қандай қилиб миллий сайтларимизга жалб қилиш мумкин? «Muloqot.Uz» сайти раҳбари Фарҳод Файзуллаев бу борада қуйидагича фикр билдирди:

— Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони кун сайин ортиб бормоқда, аммо уларнинг ақсарияти «Одноклассники», «Фейсбук», «В контакте» каби хорижий сайтларга қиради. Дейлик, мамлакатимиз сегментидаги энг оммабоп сайтлар — Torg.uz ёки Olan.uz бўлса, уларнинг абонентлари odnoklassniki.ru ижтимоий тармоғига кىрувчи ўзбекистонликлар сонидан тахминан 10 баравар кам. Умуман олганда, интернетдан фойдаланувчиларимизнинг 10 фоизи миллий сайтларимизга кирса, 90 фоизи хорижий сайтларни афзал билади. Сир эмаски, ҳозир Ўзбекистон ёшлари орасидаги энг машҳур ижтимоий тармоқ бу — «Одноклассники». Сайтнинг ўзбекистонлик фойдаланувчилари сони тахминан 2-3 миллионни ташкил этади. Шу боис бизда маҳаллий аудиторияни қамраб оладиган ижтимоий тармоққа эҳтиёж сезилади.

2011 йилнинг 1 сентябрида ишга туширилган «Muloqot.Uz» ўзбек тилида ижтимоий тармоқлар орасида етакчи саналади. Айни пайтда сайтнинг доимий фойдаланувчилари сони 41 мингга етди. Ҳар куни 3 мингга яқин одам мурожаат қилади.

— Биз бу борада биринчи эмасмиз, олдин ҳам ижтимоий тармоқлар яратилган, — дейди Ф.Файзуллаев. — Кўпчилик мутахассислар аудитория талаблари асосида иш кўриш ҳар доим ҳам яхши натижага олиб бормаслигини ўқтиради. Тўғри, фойдаланувчиларнинг фикрини эшитиш керак, лекин ҳаммамиз талабини қондириш — ҳеч кимнинг талабини қондир-

афсуски, йўқ эмас. Агар сайт модераторлари қонунчилигимиз, урф-одатларимизга мос келмайдиган расмларни топишса, ўша материал ўчириб ташланади ёки фойдаланувчи ҳаракатлари нотўғрилиги ҳақида огоҳлантирилади, — дея маълумот берди сайт раҳбари.

«Muloqot.Uz» фойдаланувчилари билан бевосита учрашувлар ташкил қилиш, турли танловлар ўтказиш ҳамда саёҳатлар уюштириш анъанасига асос солган Ўзбекистондаги биринчи ижтимоий тармоқ ҳисобланади. Сайтнинг яна бир ўзига хослиги шундаки, миллий урф-одатлар, қадриятлар асосида иш юритади. «Muloqot.Uz» Ўзбекистон муаллифлар ва ижрочилар гильдияси билан шартнома тузиб, ақсарият хонандалар-

тармоғининг дизайни 2012 йилнинг июль ойида ўзгартирилди. Шу ўзгаришлар доирасида лойиҳага бир қатор янгиликлар киритилди, хусусан, «Jabber» технологияси асосида хабар алмашиш тизими йўлга қўйилди. Яқинда сайтнинг янги мобил версияси ҳам ишга тушди. У аввалгисига қараганда тезроқ ва қулайроқ ишлайди.

— Ижтимоий тармоқлардан асосан ўз фикримни аниқлаш билан ўртоқлашиш, бошқаларнинг фикрини билиш ҳамда янгиликлардан хабардор бўлиш мақсадида фойдаланаман, — дейди Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия универ-

жойлаштириш имкониятини яратди. Илгари миллий сегментдаги сайтларнинг ягона ахборот портали йўқ эди, мавжудлари эса таълимнинг маълум бир жаҳасининг қамраб оларди. Таълимга оид порталлар ва сайтларга мурожаат қилиб, уларнинг турли йўналишдаги ахборотлари фойдаланувчи эҳтиёжларини қондира оладиган даражада бой эмаслигига гувоҳ бўламиз. Ақсарият сайтлардаги ахборотлар эса хорижий тилларда.

— «ZiyoNET» порталининг афзалликларини айтиришнинг давридан бери биланаман ва ҳозирга қадар ундан фойдаланаман. Сайт талаба бўлишимга катта ёрдам берган. Тарих фанидан тест саволларига тайёрланиб юрганимда баъзи китобларни топа олмаган эдим. Дугоналарим мен излаётган китоблар «ZiyoNET» тармоғида борлигини айтиб қолди. Порталдаги маълумотларнинг ўзбек тилида экани фойдаланувчиларга қулайлик яратди, — дейди сайтнинг фаол фойдаланувчиси бери, ЎзДХТУ талабаси Мадина Рустомова.

Порталда «Таълим», «Абитуриент», «Имкониятлар», «Кутубхона», «Сайтлар», «Арбоблар», «Тадбирлар», «Муассасалар» каби бўлимлар мавжуд бўлиб, маълумотлар мунтазам янгилаб борилади.

«Кутубхона» бўлимида 36 мингдан ортиқ ресурс жойлаштирилган бўлиб, бадий асарлар билан бирга мактаб дарсликлари, ота-оналар учун қўлланма ва тавсиялар ҳам бор. «Қонунчилик» бўлимига эса Ўзбекистон Республикасининг таълим ва ижтимоий таъминотга оид 450 дан ортиқ янги қабул қилинган ҳуқуқий-мەъёрий ҳужжатлари киритилган.

«Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» нашриёти ва кутубхоналар билан ҳамкорликда «Арбоблар» бўлимининг фан, маданият, адабиёт, спорт ва жамият йўналишларида 800га яқин машҳур шахслар тўғрисидаги маълумотлар ўзбек-кирилл, ўзбек-лотин алифбоси ва рус тилида жойлаштирилган. www.uz сайтларини кузатар экансиз, таълимий мақсад ва миллий қадриятлар уйғунлиги устуворлигига гувоҳ бўласиз. Фаолият самарадорлигини ошириш эса ахборот ресурсларини янада бойитиш ва кўпроқ аудиторияни қамраб олишнинг тақозо этади.

Висола ҚАРШИБОВЕВА,
Сурайё СИРОЖИДДИНОВА,
«Ma'rifat» мухбирлари

WWW.UZ САЙТЛАРИ: ТАЪЛИМИЙ МАҚСАД ВА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР УЙҒУНЛИГИ



маслик дегани. Шу боис «Muloqot.Uz» ижтимоий тармоғи ишини йўлга қўйишда фақатгина энг мақбул талабларга эътибор қаратилади. Энг катта ютуғимиз шундаки, биз ўзбек аудиторияси учун хизмат кўрсатамиз ва фойдаланувчиларимиз билан бевосита мулоқотда бўлиб, фикр алмашиш имконияти бор. Улар сайт маълумотлари билан электрон почта, телефон орқали боғланиб, техник хато ва камчиликлар ҳақида хабар беришади. Ўша камчиликлар ўз вақтида модераторларимиз томонидан бартараф этилади.

«Muloqot.Uz» аудиториясининг асосий қисми 18—25 ёшдаги фойдаланувчилар, яъни коллеж, академик лицей ўқувчилари ва олий ўқув юртлири талабаларидан иборат. Уларнинг сайтидаги фаолияти билан қизиқдик:

— Сир эмас, ёшларимизни қизиқтирган мавзулардан бири — севги-муҳаббат. Бу бевосита ижтимоий тармоқларда ҳам ўз аксини топади. Муҳаббат тўғрисидаги ҳикоялар, шеърлар, фикр-мулоҳазалар ва, албатта, шунга мос расмлар сайтда кўп учрайди. Ножўя, ахлоққа зид ёзувларни қолдирадиган ёки қадриятларимизга ёт суратларни ўз саҳифасига жойлаштирадиган фойдаланувчилар ҳам,

римизнинг лицензияланган қўшиқларини сайтга жойлаштирган. Келажакда сайтда видеоконтент йўналиши ҳам йўлга қўйилади. Ўзбек санъаткорларининг клиплари, миллий фильмлар, қизиқарли кўрсатувлар жойлаштирилиши режалаштирилмоқда.



«Muloqot.Uz»нинг барча серверлари Ўзбекистонда жойлашгани боис ADSL-интернет фойдаланувчилари сайт хизматларидан фойдаланганда уларнинг траффи сарфланмайди. Бу, шунингдек, ижтимоий тармоқнинг чет эл сайтларига нисбатан тезроқ ишлашига ёрдам беради.

«Muloqot.Uz» Ўзбекистон сайтлари орасида биринчи бўлиб ўз ижтимоий плагинини ишга туширди. Ижтимоий плагин HTML-код бўлаги ҳисобланиб, сайт эгалари томонидан саҳифанинг керакли қисмига жойлаштирилади. Ижтимоий плагинлар сайт эгаларига кўпроқ аудиторияни жалб этиш имконини берса, ўқувчилар бу тугмани босиш орқали ижтимоий тармоқларда ўзларига маъқул келган ахборот билан танишишлари мумкин.

«Muloqot.Uz» ижтимоий

ситетининг халқаро иқтисодий муносабатлар факультети битирувчиси Ҳамза Фозилжонов. — Интернет технологиялари билан қизиққанам сабабли миллий сайтларимизнинг деярли барчасидан рўйхатдан ўтганман. Аммо уларнинг доимий фойдаланувчиси-ман деб айта олмаман. Бунинг бир неча сабаблари бор: биринчидан, тезлик. Интернетдаги энг муҳими ҳам шу, аслида. Провайдерларимиз тезликини таъминлаб берадиган даражада кучли эмас. Билишимча, «Фейсбук» серверига бир кунда 500 терабайтдан ортиқ маълумот юкланар экан. Бизнинг сайтларимиз эса бундай катта маълумотни кўтара олмайди. Яна бир жиҳати — дизайн масаласи ҳисобланади. Сайтга ранг танлашда аудиториянинг психологик хусусиятларидан келиб чиқиш керак. Шу каби бир қатор масалалар эътиборга олинса, Жанубий Корея ёки Хитой миллий ижтимоий тармоқлари сингари асосий аудиторияни қамраб олишга эришиш мумкин.

Ўзбекистон аҳолисининг ахборотга эҳтиёжини қондиришга интилаётган яна бир сайт — «ZiyoNET». Республикаимизда мавжуд 9763та умумтаълим мактабидан 9403таси, яъни 96 фоизи ушбу ахборот таълим тармоғига уланган. «ZiyoNET» мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ҳамда олий ўқув юрти талабалари учун мўлжалланган ахборот ресурсларини интернетнинг Ўзбекистон сегментига



ДОРИВОР ЧОЙ — САРАТОНГА ҚАРШИ ВОСИТА

Буюк Британиядаги Астон университети ва Расселс-Холл шифохонаси илмий ходимлари Покистонда кенг тарқалган чой дамламаси кўкрак беzi саратонини даволашда самарали восита эканини аниқлашди. Улар томонидан олиб борилган изланиш натижалари «ПлоС ВАН» («PLOS ONE») веб-журналида chop этилди.



Катчхур (Fagonia cretica) ўсимлиги мамлакатда одатда ўтлардан тайёрланадиган доривор чойни тайёрлашда қўлланлар экан. У Покистоннинг қишлоқ жойларида анчадан бери кўкрак беzi саратонига қарши восита сифатида қўлланиб келинган, лекин анъанавий тиббиёт ходимлари мазкур дамламанинг ижобий таъсирига эътибор қаратишмаган. Аҳамиятлиси, бу турдаги саратонга чалинган ва катчхур ўсимлиги дамламаси истеъмол қилиб юрган бемор аёлларда саратонга қарши кимёвий муолажа пайтида кузатиладиган (хусусан, соч тўкилиши, қон таҳлили ёки овқат ҳазм бўлишининг бузилиши каби) салбий таъсирлар бўлмагани олимлар томонидан таъкидланган.

Британиялик олимлар эса Fagonia cretica ўсимлигидан фойдаланган ҳолда тадқиқот ўтказиб, лаборатория шaroitida доривор ўт организмнинг соғлом тўқималарига зарар етказмаган ҳолда саратон ҳужайраларини nobud қилишини аниқлашди. Эндilikда улар ўсимлик таркибидagi қайси моддалар саратон ҳужайраларини nobud қилишини, ундan тайёрланадиган дори воситаси лаборатория шaroitida организм учун ҳам шундай самаралими ёки йўқлигини аниқлаш мақсадида изланиш олиб боришади.

МУЗ ОСТИДА ТОННАЛАБ МЕТАН БОР(МИ?)

Антарктида музликлари остида умргузаронлик қилаётган ва ўрмон қолдиқлари билан озикланаётган микроорганизмлар миллиардлаб тонна метан захирасини яратган бўлиши мумкин. Буюк Британиядаги Бристол университети тадқиқотчиси Жемм Уэдем раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимларнинг фикрича, метан гидрати шаклида сақланаётган мазкур газ ҳажми дунё оке-



анлари тубидаги газлар билан тенг миқдорда экан. Мавзуга оид мақола «Табиат» («Nature») журналида chop этилди.

Таъкидланишича, экстремал ҳолатларга қўнқан микроорганизмлар модда алмашинуви натижасида метан ишлаб чиқаради: жараёнда кислород мавжуд бўлмаган муҳитда органик углевод парчаланиб, микроблар энергияга эга бўлади. Британиялик олимлар улкан музликлар остидаги ҳосилаларда бу каби микроорганизмлар бўлиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Сабаби, ушбу жинслар қадимий ўрмон ва денгиз ҳосилалари қолдиқлари бўлиб, улар метан ишлаб чиқарадиган озиқ моддаларга эга. Мутахассислар музликларнинг бир қисmini олиб эритишган ва унинг чўқиндиларидan метан ажратиб чиқарувчи микроорганизмларни топишган. Сўнгги ушбу ўзига хос «гидроаралашма» кислородсиз совуқ ва қоронғу муҳитда 2 йил сақланган. Жараёнда ажралиб чиқаётган метан миқдори ўлчаб борилган.

Олинган маълумотлар иқлимий ва геологик моделлар кўрсаткичлари билан солиштирилган ҳолда миллион йиллар давомида Антарктида музликлари остида йиғилган газ миқдори ҳисоблаб чиқилди. Яқунда совуқ континентнинг метан захираларида миллиард тонна атрофида углевод борлиги аниқланди.

МУСИҚА ВА ЧИРОҚЛАР ИЖОБИЙ ТАЪСИРГА ЭГА

Океанортидаги Жоржия технологик институти ва Корнелл университети олимларининг таъкидлашича, тамаддиҳонадаги сокин музика ва чироқлар таъсири остида овқатланаётган одамнинг кайфияти яхшиланиб, натижада овқатдан кўнгли тўлиши, энг асосийси, истеъмол қилаётган калорияларини камайтириши мумкин экан. «Психологик изланишлар» («Psychological Reports») нашрида бу ҳақида маълум қилинди.

Тадқиқот доирасида таом тез тайёрланадиган тамаддиҳонадаги сокин музика ва энгил ёритиш тизими туфайли ташриф буюрувчилар одатдагидек ўртача 949 эмас, балки 775 (175 калория кам) калорияли овқатни истеъмол қилишган. Эътиборлиси, бунда уларнинг овқатлардан ҳам кўнгли тўлган экан. Жараёнда одамларнинг овқат борасидаги танлови аввалгисидан ўзгармаган.

Изланиш натижалари олдин кенг тарқалган қараш — сокин муҳитда одамлар одатдагига нисбатан кўпроқ буюртма беради ва табиийки кўпроқ овқатланади, деган фикрнинг тўғри эмаслигини исботлади.

Наргиза РУСТАМБЕКОВА ва Дилрабо БОЗОРОВА тайёрлади.



ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ: КАТТАЛАР ЎРНАК БЎЛСИН!

Юртимизга ўз «олтин»лари билан куз фасли ҳам кириб келди. Бу фаслда турли дов-дархатлардан тушаётган хазонлар билан боғлиқ муаммолар юзга келиши мумкин. Бир гал кўп қаватли уйлардан бирининг ёнидан ўтбор кетаётганимда бир аёл пастга тушган хазонларни тўплаб ахлатхонага олиб бориб ташлашга ҳозирлик қураётганда юқоридаги кўшниси, шуням ташиб юрасимиз, ёқиб юборсангиз ўзи

йўқ бўлиб кетади-ку, дея ҳалиги аёлга маслаҳат берди. Аёлга ҳам бу «маслаҳат» ёқиб тушиб чоғи, уйига гугурт олиб чиқгани кириб кетди.

Энди ўзингиз ўйлаб қуриңг. Шу инсонларнинг қилган ишлари тўғрими? Энг аввало, захарли тутундан атроф-муҳитга, инсонларга зарар етати. Қолаверса, уларнинг ишини кузатиб турган ёшлар ҳам худди шундай қилмайдилар, деб ким қафолат беради?

Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан ана шундай ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Ёши катталар кичикларга ўрнак бўлиши лозимлиги турли тадбирлар орқали улар онгига сингдирилмоқда. Зеро, ҳаётимизни, мол-мулкимизни ёнғиндан асраб-авайлашда ҳамкорлик энг муҳим омил.

Султон ҒАНИЕВ,
12-ХҲХ 3-ХҲХ пости кичик инспектори, кичик сержант

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази

«2012 йилда академик лицей ва касб-хунар коллежларига ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, тиббиёт ва спорт жиҳозлари, тукув ва чилангарлик устaxonа жиҳозлари, замонавий компьютер техникалари, йўл ҳаракати қондаси хонаси жиҳозлари ҳамда мебель жиҳозларини» харид қилиш бўйича ўтказилаётган тендер савдоларининг №8 - Лоти «Тиббиёт жиҳозлари» муддатини узайтирилганлиги тўғрисида эълон қилади.

Тендер ҳужжатлари пакетини сотиб олиш истагида бўлган талабгорлар ишчи органнинг қуйидаги махсус ҳисоб рақамига 600 000 (олти юз минг) сўм миқдорида қайтариб берилмайдиган тўловни амалга оширишлари шарт:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими марказининг банк реквизитлари:

Молия вазирлиги Фазначилиги
х/р: 2340 2000 3001 0000 1010,
ш/хв: 4999 10860 26 280 7950 100 028 001
ХКМ Марказий банк Бош бошқармаси,
МФО: 00014, ОКОНХ: 92120,
ИНН Фазначилик 201 122 919, ИНН ЎМКХТ Маркази 202 515 618

Тендер таклифлари Тендер комиссиянинг Ишчи

органига (ҳафтанинг шанба ва якшанба кунларидан ташқари) юқорида кўрсатилган манзил бўйича 2012 йил 20 сентябрь соат 18:00 дан кечикмасдан тақдим этилиши лозим.

Шунингдек, қўшимча маълумотларни ҳамда харид қилинаётган маҳсулотларнинг энг юқори нархлари ҳақидаги қўшимча маълумотларни эълон чиққан кундан бошлаб Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази www.markaz.uz электрон сайтидан олишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, 2-Чимбой кўчаси, 96-уй — Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази.

Тел: (8-371) 246-12-40, факс: 246-12-74



Германиянинг Дрезден шаҳрида транспорт тизимлари ва инфраструктурани ривожлантириш Фраунгофер институти томонидан ишлаб чиқарилган узунлиги 30, кенглиги — 2,55 ва баландлиги — 3,4 метр, 256 нафар йўловчи сизимига эга бўлган дунёдаги энг узун автобус (ишлаб чиқарувчилари уни автограмвай, деб аташмоқда) қатнови йўлга қўйилди.

Японияда сўнгги 60 йил мобайнидаги энг кучлиси сифатида эътироф этилиб, 75 мингдан ортиқ хонадонни электр таъминотисиз қолдирган, ер, авиа ва денгиз транспорти воситалари ҳаракатини бир муддат тўхтатиб қўйган «Болаван» тайфунининг шиддат пайсаяни ва у циклонга айлангани маълум қилинди.

Испания жанубида кучли ўрмон ёнғинлари кузатилиб, улар Михас, Алхауринде-ла-Торре, Коин ва Охен дам олиш ҳудудларига хавф туғдираётгани боис минглаб одамлар шошилинч равишда эвакуация қилинмоқда, 200дан ортиқ ўт ўчирувчилар эса табиий офатни бартараф этиш ишларини амалга оширмоқда.

Португалиянинг шимолий ва марказий қисмларида кузатилаётган узоқ муддатли қурғоқчилик ҳамда иссиқ об-ҳаво шарoити туфайли юзага келган ўйлаб ўрмон ёнғинлари тобора кучайиб, уларга қарши курашиш мураккаблашиб бораётгани боис мамлакат ҳукумати Европа Иттифоқидан офатни бартараф этиш учун ҳаво кема-лари орқали амалий ёрдам кўрсатишни сўради.

Болгария ва Польша ҳукуматлари евро муомалада бўлган ҳудудларда ҳамон инқироз кузатилаётгани, аъзо бўлишда фойдалан қўра, аксинча харажатлар купайиши мумкинлигини сабаб қилиб кўрсатган ҳолда мазкур ҳудуд таркибига кириш номаълум муддатга қолдирилганини маълум қилди.

Тошкент шаҳар педагог кадрлари қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти раҳбарияти ва жамоаси институт ходимаси Дилдора Комиловага падаири бузрук-вори

Жамолитдин ота
КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Qadriyat

ТЎН

Санъат музейи илмий ходими бўлиб иш бошлаганимда, Турғун Абдуллаев «Ўзбек либослари» бўлимидаги кийимлар ҳақида завқ-шавққа тўлиб гапирганди. Кейин археология бўлимидаги қадимий Афросиёб, Варахша, Холчаён, Кувадан топилган одамлар тасвири, кийиминишини кўрсатиб: «Ҳозирги ўзбекларга ўхшаб кетарканми?», дея гапига нуқта қўйган эди. Ана шу сўратларда тўн кийган кишилар ҳам бор эди.



Тўнни кўпчилик «молтопар» деб атайдди. Кексалар билан суҳбатлашиб қолсак, «Биргина тўнни эгнидан қўймай, қўша-қўша тўй қилганлар, уй қурганлар, ўзини анча тутиб олганлар бўлган», дейишди. Миллий либосимизнинг тежамкорлик хусусияти бу.


Тўнлар ипакли, ипаксиз оддий матолардан тикилади. Зар чопонлар эса асосан тўй-байрамларда тўйбола ва кўёвга кийдирилган. Эътибор берсангиз, бирорта тўнда тугма бўлмайди. Нега шундай, деган савол туғилади. Тугмалар ҳаракат қилишга ҳалақит беради, то бирма-бир қадагунча вақт кетади. Тўннинг узун, кенг-мўллигида ҳам ҳикмат бор: кишини бел, оёқ оғриқларидан сақлайди. Турли хасталиклар пахтали тўн билан даволангани тарихдан маълум. Аждодларимиз нафақат қишда, балки ёзда ҳам чопон кийиб юрган. Бу либос аёзда совуқдан, жазирамада иссиқдан сақлаган-да!

Маҳмуд АХМЕДОВ,
санъатшунос

Bilasizmi?

Илгари кам учрайдиган аквариумлар ҳозир кўпгина хонадонларга кўрк бағишламоқда. Дарҳақиқат, одамлар қадим-қадимдан асабни тинчлантирувчи восита сифатида аквариум билан қизиқиш келадилар. Аквариум денгиз ва чучук сув балиқларини тўғридан-тўғри, яқиндан кузатиш имконини беради.

Балиқларни аквариумда сақлаш ўзига хос масъулият талаб этади. Аквариум ойнаси тоза, ёғ ва барқоч изларидан



АКВАРИУМ

холи ҳамда полировка қилинган бўлиши лозим. Суви ва ичини тез-тез тозалаб туриш зарур. Текис жойга ўрнатилмаса, синиб қолиши ҳеч гап эмас. Айрим хонадонларда аквариумни мебель ёки музлаткич устига қўйганининг гувоҳи бўлаемиз. Бундай ҳолат балиқларни безовта қилади. Аквариумни шундай жойлаштириш лозимки, офтоб нури меъёридан ортиқ тушмаслиги керак. Энг муҳими, йўлакка ўрнатмаслик зарур. Балиқлар аквариум олдида ўтаётган одамлар шарпасидан ҳурқайди. Балиқларнинг қандай ҳароратда яшашга мослашгани

ни билиш муҳим. Тропик мамлакатлардан келтирилган балиқлар бўлса, ҳароратни 20—30 даражагача кўтариш лозим. Аквариумда термометр бўлиши шарт. Сувни аралаштириб туриш учун эса филтёрли циркулятордан фойдаланилади.

Балиқларни сотиб олишдан аввал тўғри танлаш лозим. Мисол учун, тернеций балиқлари кичкина аквариумда боқишга мўлжалланган бўлиб, улар учун сув ўтларини харид қилишингиз лозим. Кўпчилик «хўрозча», яъни кичкина балиқчаларни хуш кўради. Улар жуда «урушқоқ»

эканини эса ҳамма ҳам билавермайди. Битта аквариумга иккита эркак балиқ солинса, дарҳол «чўқишиб» қолиши тайин. Гуппи балиқ турлари эса сув ҳарорати ўзгаришига парво қилмайди, озуқа ҳам танламайди. Уларнинг ранги ёрқин ва шакли ажабланарли.

Аквариум киши асабларини мустаҳкамлайди, стресслардан сақлайди. Кўпгина даволаш муассасалари, ташкилот ва корхоналарга аквариум ўрнатилиши инсон саломатлиги ва руҳиятига ижобий таъсир этади.

Тоҳир ИБРОҲИМОВ,
тиббиёт фанлари доктори,
профессор

ТЕШИКТОШ —
ИНСОНИАТНИНГ
ҚАДИМ МАКОНИ

Сурхон замини илк ибтидоий одамзод қолдиқлари топилган макондир. Аждодларимизнинг воҳада яшаган даври бир неча юз минг йил бурунги замонга бориб тақалади. Бойсун тоғларининг мўътадил иклими, бой табиий шарт-шароитлари, гор ва ўнгирлар ибтидоий одамларнинг тўда-тўда бўлиб ҳаёт кечириши учун қулай имкон яратган.

Қулай маскан


Тешиктош ғори Мачайдаги Зовтолош сой дарасида денгиз сатҳидан 1500—1600 метр баландликда жойлашган бўлиб, бўйи 7, эни 20, узунлиги эса 21 метрни ташкил этади. Форнинг шифти тешик бўлгани учун гулхан ёқилса, тепадаги тўнқудан чиқиб кетаверган. Форда 1,5 м. қалинликда 5та маданий қатлам бўлиб, ҳар бир қатламдан биттадан, баъзиларида иккитадан диаметр 40 сантиметр, сатҳи 2 метрга етдиган гулхан қолдиқлари топилган. Хайвон суяклари орқали олимлар ўша давр одамларининг ҳўжалик ҳаёти, егуликлари, тирик мавжудот оламини ўрганишган. Тешиктош ғоридан топилган тош буюмлар ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эга. Ушбу қуроллар аста-секин мукаммаллашиб борган.

Тешиктош ғорининг шифтидан сув томилаб турган. Натижада саҳнини сув ювиши натижасида қўлгина суяк қолдиқлари ва тош қуроллар кўриниб қолган. Бу эса археологлар ишини осонлаштирган.

Неандерталь — ибтидоий одам

Тешиктош ғоридан археолог Окладников 8-9 яшар боланинг бош ва скелет суяқларини топган. Ушбу топилма Мустье одамининг физик типини белгилашда жуда муҳим материал ҳисобланади. Шунингдек, у минтақамизда одамзод неандерталь босқичини босиб ўтганини исботлаб берувчи омил ҳамдир.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, одам суяклари атрофига тоғ эчкиси шохлари териб чиқилган. Марҳумни қабрга турли буюмлар билан бирга қўмиш, Окладников фик-



рича, дафн маросимлари ва диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.

1949 йили антрополог Герасимов калла суяги асосида Тешиктош одамининг юз тузилишини тиклади. 1973 йили антрополог Алексеев Тешиктош одамини тўла ўрганиб чиқди. Унинг фикрича, скелет аёл кишиники бўлиб, инсон эволюциясининг неандерталь фазасига мансуб экан. Шундан сўнг кўплаб илмий мақолалар тайёрланиб, дунёнинг кўплаб тилларида чоп этилди. Инсоният тарихи ҳақида сўз борганда, албатта, Тешиктош ғори тилга олинадиган бўлди. Тешиктош ғорида ўзбек археолог У.Исломов бошчилигида амалга оширилган тадқиқотлар туфайли мезолит даври ҳайвонот дунёси ҳақида материаллар тўпланди.

Дунё аҳлининг Тешиктош ғорига қизиқиши тобора ортиб бормоқда. Айниқса, Мачайдарё қишлоқлари бўйлаб дара ичидан текис йўл ўтказилиши ғорга боришга қулайлик яратади. Бундан икки йил бурун Чехиядан икки сайёҳ Тешиктош ғорини кўриш учун Бойсунга келди. Уларнинг юртимиз ҳақида жуда кўп маълумот билишидан ҳайрон қолдим.

Мачайлик шоир Абдумурод Худойбердиев «Тешиктош» шеърида фахр-ифтихор билан шундай дейди:

Метин қояларга боққанча ҳайрон,
Сўнгсиз ҳаёлларга бўламан тутқун.
Сенга ҳайрат кўзин тикмоқда жажон,
Башарият учун энг қадим макон.

Очил ТОШҚУЛОВ

САНЪАТ СЕҲРИ

Тушқун кайфиятдан кутулиш, кўнгилни кўтариш мақсадида мусиқага эҳтиёж сезамиз. Агарда инсон ўзи севган куйга рақсга тушса, вужудидаги мудроқ хужайралар уйғониб, руҳи тетиклашар экан.

Абу Али Ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида асабийлашиш ва паршонхотирликка чалинган беморларни мусиқа воситасида самарали даволаш мумкинлигини уқтириб ўтган. Испания қироли Филипп V ҳам паршонхотирликлардан машҳур санъаткор Фаренеллининг ижросидаги майин куй-қўшиқлар ёрдамида дори-дармонсиз фориғ бўлган. Олмония ва италиялик табиблар дудуқланишни ҳам мусиқа садоси таъсирида, ашула айттириш йўли билан даволаш мумкинлигини таъкидлаган. XIX асрда франциялик ҳаким Жозеф Рекомье қорин оғриғи билан келган беморларга ногора садоси остида овқатланишни буюрган.

Англиядаги туғруқхоналарнинг бирида ажойиб тадқиқот олиб борилган. Она юрагининг сокин уришига ҳамоҳанг мусиқани қўйишганда йиғлоқи чақалоқлар тезда уйқуга кетишган. Безовта юрак оҳангидаги куй қўйилганда эса ухлаётган гўдаклар ҳам уйғониб, йиғлай бошлаган экан.

Ҳа мусиқа мўъжизакор сеҳрга эга. Фақат ундан эзгулик йўлида фойдаланиш лозим.

А.ТОҲИРИЙ,
Тошкент врачлар малакасини ошириш инситути
катта ўқитувчиси,
Н.МАМАТОВА,
доцент



ЎЗБЕКИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН!

Спорт иншоотларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишда уни зарур спорт анжонлари ва инвентарлар билан мунтазам таъминлаб туриш муҳим омил ҳисобланади. Зеро, Юртбошимиз томонидан ҳам барпо этилаётган спорт мажмуаларини асосан маҳаллий корхоналаримизда ишлаб чиқарилган инвентарлар билан таъминлаш муҳим аҳамиятга эга экани доимо таъкидлаб келинади.

Бу борада ҳам муҳим қадам ташланганини эътироф этиш жоиз. Агар 2003 йили мамлакатимизда фойдаланишга топширилган барча спорт объектларига етказилаётган 120 турдаги жиҳозларнинг фақат 73таси маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 113тани ташкил этди.

Ташки бозордан сотиб олинаётган қолган 7 номдаги жиҳозларнинг ишлаб чиқарилиши ҳам маҳаллий корхоналаримиз томонидан ўзлаштирилишига ҳаракат қилинмоқда. Ана шулардан бири — катта теннис тўпларини ишлаб чиқариш 2012 йили «Ўз Тонг

дан ҳисобланади. Корхонада дастлаб дарвоза ва оддий тренажёр ускуналари тайёрланган бўлса, ҳозирга келиб бу ерда 42 турдаги энг замонавий спорт инвентарлари ишлаб чиқарилмоқда. Муҳими, корхона маҳсулотлари замонавий талаблар асосида тайёрланиб, хорижчиқига қараганда анча арзон ва сифатли. Шу боис, уларга талаб ҳам кундан-кунга ошиб бормоқда. Бундан ташқари, «Ўзжаобод» ва «Отабек» масъулияти чекланган жамиятлари, «Азия-Спорт-С», ХФ, «Стеклопластик» очик акционерлик жамияти сингари маҳаллий корхоналар ҳам жамғарма томонидан спорт жиҳозлари-



ни ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилди. «Ўзжаобод» масъулияти чекланган жамияти томонидан биринчилардан бўлиб юқори сифатли баландликка сакраш ямаси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Тошкент шаҳрида жойлашган «Телеметрик» корхонасида ҳар хил турдаги электрон таблолар тайёрланмоқда.

Натижада, авваллари хорижий мамлакатлардан харид қилинган, ҳозирги кунда эса маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган яқка кураш ва спорт сифатли турли футболка, машғулотлар учун спорт формаларини ўзига хос дизайнда тайёрлаш йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, ҳар йили «Ўзэкспомарказ» павильонлари ҳамда вилоят марказларида ташкил этиладиган маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган спорт инвентарлари ва жиҳозлари кўргазмаларида спорт соҳаси мутахассислари, тадбиркорлар ҳамда ўқувчиларнинг ота-оналари иштирок этмоқда. Уларнинг фикр-мулоҳаза ва таклифлари асосида

2003—2011 йиллар мобайнида республикамизда жамғарма маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1363та болалар спорт иншоотлари жами 22,25 миллиард сўмлик спорт жиҳозлари ва анжонлари билан таъминланган. Ана шу саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари ҳисобига амалга оширилгани эътирофга сазовор.

Хонг Ко» қўшма корхонаси томонидан ўзлаштирилиши кутилмоқда. Ҳозир импорт эвазига спорт жиҳозларидан фақат сунъий тўшамалар харид қилинмоқда, холос.

Таъкидлаш зарурки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган спорт анжонлари ва ускуналари билан жиҳозланган мажмуалардаги спорт инвентарлари, уларнинг сифати ва рақобатбардошлилиги ҳам спортсевар ёшлар, ҳам профессионал спортчилар томонидан эътироф этилаётгани қувонарли ҳолдир.

Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мутахассиси Ҳожиакбар Каримовнинг маълумот беришича, 2003—2011 йиллар мобайнида республикамизда жамғарма маблағлари ҳисобидан барпо этилган 1363та болалар спорт иншоотлари жами 22,25 миллиард сўмлик спорт жиҳозлари ва анжонлари билан таъминланган. Ана шу саъй-ҳаракатлар биринчи навбатда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари ҳисобига амалга оширилгани эътирофга сазовор. Хусусан, Наманган шаҳридаги «Машҳим» масъулияти чекланган жамияти жамғарманинг бу бордаги асосий ҳамкорлари-

ни ишлаб чиқариш ва жойларга етказиш бўйича ташкил этилган тендер савдоларида доимо ғолиблар сафидан жой олиб келади.

Ақсарият маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан аста-секинлик билан йиллар давомида кенг қўламдаги спорт анжонлари ва ускуналарининг ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Айниқса, мамлакатимизда спорт гимнастикаси бўйича жиҳозларнинг тўлиқ ҳамда сифатли ишлаб чиқарилиши муваффақиятли йўлга қўйилгани мақтовга сазовор. «Стеклопластик», «Азия-Спорт-С», «Машҳим» корхоналари томонидан қисқа мuddат ичида брус (эркак ва аёллар учун), гимнастика ёғочи, от, кўприкча, турник, швед нарвони, маталар ва бошқа спорт анжонлари ва ускуналари ишлаб чиқарилиши ўзлаштирилди. Мутахассислар бу маҳсулотларнинг функционаллиги, дизайни ҳамда сифати жаҳон стандартларига мослигини эътироф этиб, юқори баҳо беришмоқда.

Қолаверса, республикамизда енгил атлетика учун зарур қолдоқлари, тўсиқ, найза, граната ва аёларлар, шунингдек, баландликка сакраш устунлари каби спорт анжонлари ҳамда ускуналари-

йўнларини учун универсал таблолар ҳам мутахассислар томонидан юсак баҳоланмоқда. Оғир атлетика тренажёрларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналар — «Машҳим», «Степунин», «Пар Импекс» маҳсулотлари сифатли бўлгани учун ҳам бозорда рақобатбардош ҳисобланади ва уларга ички бозорда талаб кучли бўлмоқда.

Соҳа мутахассисларининг эътирофига кўра, қисқа мuddатда «Стеклопластик», «Азия-Спорт-С», «Машҳим» каби корхоналар ўз моддий-техник базасини юқори даражада таъминлаб, маҳсулотларининг юқори сифатлилигига ва ассортиментини кенгайтиришга эришди. «Стеклопластик» корхонаси эса қатор спорт анжонлари ва ускуналарни чет давлатларга ҳам экспорт қилмоқда.

Таъкидлаб ўтиш лозим, спортчи-ёшларимизнинг спорт кийимларини ишлаб чиқариш, хусусан, улар тайёрланган тикув трикотаж маҳсулотларининг ҳам юқори сифатли бўлишига эришилди. Бунинг натижаси ўларок, «Ўзбекенгилсаноат» давлат акциядорлик компанияси қошдаги корхоналар томонидан маҳаллий хомашедан тайёрланган арзон, айлани пайтада юқори

республикамизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг дизайнини янгилаш, сифатини яхшилаш имконияти яратилмоқда.

Айни кунларда жорий йилда курилиб фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотларини белгиланган меъёрларга асосан маҳаллий жиҳозлар билан таъминлаш ишлари олиб боришмоқда. Бу навқирон авлоднинг ўз иқтидорини намойён этишида ҳамда улар қалбида миллий гурур тушунчаларининг шаклланишида муҳим омил экани шубҳасиз. Зеро, юртимизда болалар спортини оммавий ҳаракатга айлантириш учун кенг имкониятлар яратиб берилаётгани замирида ҳам ана шундай эзгу ниятлар мўжассам. Президентимиз таъкидлаганидек, «...бугун ҳеч кимга сир эмас, эрта ёшдан бошлаб спорт билан мунтазам шугулланган болаларгина жисмонан соғлом, бақувват бўлиб воғга етади. Шу асосда ҳар бир ота-онанинг эзгу орзуи бўлиши соғлом фарзанд ўстириш, аҳолимиз ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш учун катта имкониятлар пайдо бўлади».

Наргиза ИБРОХИМОВА,
«Ma'rifat» мухбири



ИНЬЕСТА — ЕВРОПАДА ТЕНГСИЗ

Европа яшил майдонларига яна катта футбол сурони қайтди. Бундан бир ҳафта олдин «Кўхна қитъа»нинг бир қатор мамлакатларида икки чемпионатларга



старт берилганди. Куни кеча Франциянинг Монако шаҳрида клублар ўртасидаги энг нуфузли турнир — Европа чемпионлар лигасининг 2012-2013 йилги мавсуми учун ҳам қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

«А» гуруҳидан «Порту», «Динамо» (Украина), ПСЖ, «Динамо» (Хорватия) клублари ўрин олди. Ушбу гуруҳда деярли қайтадан ташкил этилган ПСЖ жамоасининг ўйинлари эътиборимиз марказида бўлади. «В» гуруҳига жойлашган «Арсенал», «Шальке», «Олимпиакос» ва «Монпелье» (Франция) жамоаларининг имконияти тенг баҳоланмоқда. Янги мавсумни беқарор равишда бошлаган «Милан» клуби «С» гуруҳидаги рақиблари «Зенит», «Анדרлехт» ва «Малага» билан тўп суради.

Ўзига хос «ўлим гуруҳи» дея эътироф этилаётган «Д» кватретида «Реал», «Манчестер Сити», «Аякс» ва «Боруссия» (Дортмунд) номи кўрсатилган. Бу гуруҳдан қайси жамоа плей-оффгача етиб боришини ҳатто тахмин қилиш ҳам мушкул.

«Е» гуруҳи етакчиси ЕЧЛ ғолиби «Челси» ҳисобланади. Лондонликлар «Шахтер», «Ювентус» ва данияликларнинг «Нордшелланд» жамоаси билан куч синашади. «F» гуруҳида эса ЕЧЛнинг вице-чемпиони «Бавария» ҳамда «Валенсия», «Лилль», БАТЭ (Белоруссия) клублари бор. «G» гуруҳига «Барселона», «Бенфика», «Спартак» ва «Селтик» клублари кирган бўлса, «H» гуруҳидан «Манчестер Юнайтед», «Брага», «Галатасарай» ва ЧФР (Руминия) жамоалари ўрин олди.

Гуруҳ баҳсларидаги 1-тур матчи 18-19 сентябрь кунлари ўтказилади.

Монако шаҳрида Европа чемпионлар лигасига қуръа ташлаш маросими якунлангач, УЕФА талқини бўйича 2011/12 йилги мавсумда энг ёрқин



ўйин кўрсатган футболчи номига ойдинлик киритилди. Сараланган номзодлар — «Барселона» клубининг икки нафар ўйинчиси Лионель Месси ва Андреас Иньеста ҳамда «Реал» аъзоси Криштиану Роналду эди.

Европанинг «Энг яхши футболчи»сига аталган соврин соҳибини аниқлаш учун 53 нафар спорт журналисти бевосита залда туриб овоз берди. Унга кўра, 19та овоз тўплашга муваффақ бўлган 28 ёшли А.Иньеста тенгсиз деб топилди.

«ЗЕНИТ»ДАН ИККИ ЖИДДИЙ «ЮРИШ»

Европанинг гранд клублари анчадан бунён сотиб олишни кўзлаётган бразилиялик Живанилду Виейра ди Соуза ёки оддийгина айтганда — Халкин кутилмаганда Россиянинг «Зенит» клуби «илиб» кетди, деб хабар берилди жамоанинг расмий сайтида.



Петербургликлар «Порту» ҳужумчиси учун 40 миллион евро сарфлаган. 29-рақам остида майдонга тушиши белгиланган Халкка мазкур маблаг уч йил мобайнида тўланади. 26 ёшли футболчи билан тузилган шартномада ёзилишича, у Петербургда 5 йил яшайди.

Халк ўз фаолиятини дастлаб Бразилиянинг «Виктория» клубида бошлаган, 2005 йили эса япон клубларида ижара асосида тўп сурган. 2008 йилда уни «Порту» ўз сафига чорлаганди.

Шунингдек, 40 миллион евро эвазига Португалиянинг бошқа жамоаси — «Бенфика» етакчиларидан бири белгиялик ярим ҳимоячи Аксел Витсел ҳам «Зенит» футболчисига айланди.



«O'ZBEKISTON» nashriyot-matbaa ijodiy uyi

Азиз юртдошлар!

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi
барчангизни Ўзбекистон Республикаси

Мустақиллигининг 21 йиллиги
билан муборакбод этади.



«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi tashkilotlarini hamkor-
likka taklif etib, nashriyot va matbaa mahsulotlarining barcha tur-
larini, jumladan:

- badiiy va bolalar adabiyoti;
- ijtimoiy-siyosiy adabiyotlar;
- ensiklopediyalar;
- rangli va bezakli mahsulotlar (albomlar, plakatlar, bukletlar, adres panjalari va boshqalar);
- qat'iy hisobda turuvchi raqamli blankalar, chex va ruyxatga oluvchi kitoblar;
- o'quv anjomlari (umumiy daftarlar, kuzdaliklar, rasmlar daftarlari va boshqalar);
- import urini bosadigan xalq iste'moli mol-lari;
- A4 va boshqa formatlardagi ofis-xujalik qog'ozlari, kanceliyariya kitoblari va boshqalarni shartnoma asosida, qisqa muddatlar, yuqori sifat darajasida, kelishilgan narxlar, tayyorlab berishini ma'lum qiladi.

Мурожаат учун манзил: Ўзбекистон Республикаси, 100129,

Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 30.

Телефонлар: 244-34-01, 244-38-93, 244-37-81

Факс: (371) 244-38-10, 244-87-55.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

Web: www.iptd-uzbekistan.uz

Ma'rifat

TA'SIS ETUVCHILAR:

O'zbekiston Xalq ta'limi
vazirligi, O'zbekiston Oliy
va o'rta maxsus ta'lim
vazirligi, O'zbekiston
Ta'lim, fan va
madaniyat xodimlari
kasaba uyushmasi
Markaziy Kengashi.

Bosh muharrir:
Abdusamat RAHIMOV

Tahrir hay'ati: Madamin
ARIPJANOV, Jumanazar BEK-
NAZAROV, Baxtiyor DONIYOROV,
Farrux JABBOROV (bosh muharrir-
ning birinchi o'rinbosari), Baxtiyor
YOQUBOV (mas'ul kotib), Mahmuda
MURZAYEVA, Husan NISHONOV
(bosh muharrir o'rinbosari), Nurlan
USMONOV (bosh muharrir
o'rinbosari, "Учитель Узбекиста-
на"), Aleksey CHUKARIN (mas'ul
kotib, "Учитель Узбекистана"),
Sa'dulla HAKIMOV.

Gazeta
O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida № 0067 raqam bilan
ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-6416



INDEKS: 149, 150. Г-918.
Tiraj 33473.
Hajmi 4 bosma taboq.
Ofset usulida bosilgan,
qog'oz bichimi A-3.

«Ma'rifat»dan materiallarni ko'chirib boshish
tahririyat ruxsati bilan amalga oshirilishi shart.
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqiriz
qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi.

Reklama materiallari uchun tahririyat javobgar emas.

MANZILIMIZ: 100083, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32.

Web-site: www.marifat.uz

TELEFONLAR: mas'ul kotib—233-99-15, umumiy
o'rta va maktabgacha ta'lim yangiliklari bo'limi — 236-
53-16, fan, oliy va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limi
yangiliklari bo'limi — 236-54-03, adabiyot, madaniyat,
kasaba uyushmalari hayoti yangiliklari bo'limi — 236-
54-69, ma'naviyat va maktabdan tashqari ta'lim yangiliklari
bo'limi — 236-54-23, siyosat, xalqaro hayot va sport
yangiliklari bo'limi — 236-55-58, reklama va marketing
bo'limi — 233-42-92(faks), 236-54-17.

Bahosi sotuvda

erkin narxda

Dizaynerlar:

Malohat TOSHOVA,

Liliya BINASHEVA.

Navbatchi muharrir:

Sharifa MADRAHIMOVA.

Navbatchi:

Sherali NAMOZOV.

«Sharq» nashriyot-matbaa
aksionerlik kompaniyasi
bosmaxonasi.

Korxona manzili: «Buyuk Turon»
ko'chasi, 41-uy

Y'A aktyom — 20.15
Topshirildi — 22.00